O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Ушбу сонда:

2 ШАРТНОМА ШАРТИ

ҲАЛОЛ МЕҲНАТ КАФОЛАТИ

3 ХИЗМАТИНГИЗ ҚОНУНИЙ, ПУЛИНГИЗ ҲАЛОЛМИ?

4 ХАВФЛИ ИХТИРО

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 45 (401)
2004 йил
23 ноябр
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

MEZON:

Сайловчиларнинг рўйхатлари сайловга ўн беш кун қолганида, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ерларда тузилган сайлов участкаларида эса сайловга етти кун қолганида ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим қилинади. Участка сайлов комиссияси рўйхат билан танишиш жойи ва вақти тўғрисида сайловчиларни хабардор этади.

Фуқароларга участка сайлов комиссияси биносида сайловчилар рўйхати билан танишиш имконияти таъминланади.

"ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУН, 33-МОДДА.

АСРИЙ ОРЗУЛАР РЎЁБИ

Халқимизнинг тўрт минг йиллик тарихига умумий тарзда бўлса-да, разм солсак, бир улуғ қадриятга доимий равишда интилишни кузатамиз. Бу — давлат барқарорлиги ва адолатга кучли эҳтиёж. Мазкур мақсадлар қадим давлатчилик асосларига ва бой маданий меросга эга халқларгагина хос хусусиятдир. Аслида эзгулик, инсонпарварлик тамойиллари ана шу қадриятларга таянишини миллий тарихимиз, умуминсоний тараққиёт яққол исботлайди.

Улуғ маданий меросимиз — илк ёзма манба "Авесто"да кишилар ўртасидаги муносабатларда эзгу сўз, эзгу фикр, эзгу амал ғоятда юксак таърифланган. Бунда биз қадим аждодларимизнинг жамиятда, қонун ва давлат олдида барча фуқароларнинг тенглигини таъминлашга интилганини кўрамиз. Адолатли қонунлар яратиш, ҳар жабҳада тартиб ва қонунга итоатни ўрнатиш эзгуликнинг шарти қилиб қўйилган. Ибн Сино жамиятда ёмонлик илдиз отмаслиги учун одамларнинг бирдамлиги, ўзаро иттифоқи, тотувлиги зарурлигини уқтиради. Форобийнинг фикрича, инсоннинг камолоти ўзаро ҳамкорликка асосланган ижтимоий гуруҳ таркибидагина амалга ошиши мумкин. **Инсон ўз-ўзича, жамоадан, жамиятдан айрича ҳолда бахтли бўлолмайди**, дейди мутафаккир.

Буюк давлатчилигимиз анианалари инсоният тафаккурига кучли таъсир кўрсатиб, унинг ривожига мислсиз қувват берган алломаларимиз меросидан озиқ олгани сир эмас. Зотан, темурийлар давлати мамлакат тараққиётига, барча жабҳаларда уйғониш ва янгиланишлар юз кўрсатишига, шу тариқа буюк давлатчилик анъаналари қарор топишига олиб келгани бунга бир далил. Оқсарой пештоқига битилган **"Адолат давлат асоси ва ҳукмдорларнинг шиоридир"**, **"Агар бизнинг куч-қудратимизга шубҳа қилсанг, биз қурдирган иморатларга боқ"** деган битиклар моҳият-эътибори билан фуқароларни қонун-қоидаларга, давлатга чуқур ҳурмат ва ишонч руҳида тарбиялашни назарда тутган.

Донишмандлар бу дунёда ботирнинг шавкати ва дононинг сўзи ҳеч қачон завол топмаслигини таъкидлашган. Шоншавкатли боҳадирлар ва аллома донишларнинг бутун бир авлодини берган юртнинг фуқаролари сифатида бугун биз ўз давлатимизнинг мустақиллиги, барқарорлиги, қонунларимизнинг адолатпарварлиги олдида масъулдирмиз. Бу масъулият олдимизда турган сайловлар арафасида зиммамизга янада улкан мажбурият юклайди.

Албатта, ҳар қандай бурч, мажбуриятга онгли ёндашилгандагина ундан бирор-бир самара кутиш мумкин. Англанмаган, тартибсиз ҳаракат эса натижасиз қолаверади. Сайлов арафасида бу улкан ижтимоий-сиёсий тадбирнинг туб моҳиятини кенг қўламда тарғиб этиш, унинг халқимиз, мамлакатимиз ҳаётида касб этажак аҳамиятини эринмай тушунтириш лозим. Шу маънода баъзан "Нега айнан бугун икки палатали Парламентга зарурат туғилди?" ёки "Икки палатали Парламент юртимиз истиқболида қандай ўрин тутади?" деган саволлар ҳам туғилиши табиий.

Бу ўринда, аввало шуни айтиш керакки, иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг иккинчи сессиясида (2000 йил 25 май) мамлакатимизда икки палатали Парламентни жорий этиш ғояси Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган эди: **"Бизнинг жамиятимиз тез суръатлар билан ўзгармоқда. Одамлар маънавий улғайиш йўлида илдам қадам ташламоқда. Бу узоқни кўзлаган сиёсатимиз, эзгу мақсад йўлидаги интилишларимиз натижасидир. Шуни яхши англаб олишимиз зарурки, ҳаёт ўзгариши билан, одамларимизнинг аввалги сиёсий ва маънавий онги ўзгариши билан бизнинг парламентимизнинг ташкил этилишида ҳам, унинг фаолиятида ҳам ўзгаришлар бўлиши табиийдир"**.

Дарҳақиқат, мустақилликнинг дастлабки даврида икки палатали парламент тизимини ташкил этиш учун ижтимоий зарурат етилмаган, ҳуқуқий савиямиз ҳали талаб даражасида юксалмаган, қолаверса, кўппартиявийлик тизими шаклланмаган эди. Ўтган йиллар мобайнида давлат бошқарувининг қонунчилик асоси ва тизими қарор топди. Фуқароларнинг ижтимоий онги ўсди, профессионал юрист, иқтисодчи ва сиёсатшунослар етишиб чикди, муҳими, одамларнинг фикрини, хоҳиш-истакларини давлат даражасидаги муҳокамага қадар етказиб берадиган сиёсий партиялар, нодавлат, нотижорат ташкилотларининг жамиятдаги мавқеи кучайди. Булар икки палатали парламентга ўтиш учун сиёсий, ижтимоий шарт-шароитни таъминлади.

Икки палатали парламентнинг ташкил топиши мамлакатимиз истиқболида жуда катта ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этади. Бу ўз навбатида, миллий давлатчиликни шакллантириш, давлат ҳокимиятини ислоҳ қилишнинг муҳим босқичи сифатида, Ўзбекистонда жаҳоннинг тараққий этган давлатларидаги сингари, юксак андозаларга жавоб берадиган парламентни юзага келтиради. Икки палатали парламент доимий асосда фаолият юритувчи профессионал парламент бўлиб, қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнини янада демократлаштиради, яъни қонунларда барча ҳудудларнинг манфаатлари акс этишини таъминлайди. Қолаверса, икки палатали парламент кўппартиявийлик тизимининг жадал ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни туғдириб, фуқароларнинг сиёсий фаоллигини кучайтиради. Улар пировард натижада эзгуликка, адолатга асосланган, аждодларимиз орзу этган инсонпарвар жамиятни бунёд этишда, давлатчилигимизнинг замонавий тамойилларга мослашувида, ҳар бир фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқлари тўлиқ таъминланишида барқарор ҳуқуқий асосни яратади.

Демак, бўлажак сайловлар улкан умумдавлат, умуммиллий аҳамиятга молик ижтимоий-сиёсий тадбир бўлганидек, сайлов ҳуқуқига эга ҳар бир юртдошимиз учун ҳам шундан кам бўлмаган — унинг жамоадаги, жамиятдаги ўрни, мавқеи, ижтимоий-сиёсий, маънавий аҳволига, келажагига, фарзандлари истиқболига бевосита алоқадор масаладир. Биз буни чуқур англаб, ўз ҳуқуқимиздан тўлиқ фойдалансак, ўз овозимизни муносиб деб топган номзодга берсак — демак, юрт келажаги, давлатимиз истиқболига овоз берган бўламиз.

ЎТГАН ҲАФТАНИНГ МУҲИМ ХАБАРЛАРИ

Президентимиз Ислом Каримов таклифига биноан Туркманистон Президенти Сапармурот Ниёзов 2004 йил 19 ноябр куни расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди.

Бухорода бўлган олий даражадаги музокаралар чоғида Ўзбекистон — Туркманистон ҳамкорлигини ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар муҳокама этилди ҳамда қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланди.

* * *

АҚШ давлат котибининг Европа ва Евроосиё мамлакатлари бўйича ёрдамчиси ўринбосари Лора Кеннеди Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоев билан учрашди.

* * *

18 ноябр куни Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинганига 13 йил тўлди.

* * *

Пойтахтимизда Жаҳон сифат кунига бағишланган "Сифат—корхона рақобатбардошлиги асоси" мавзуида семинар бўлиб ўтди.

* * *

Тошкентда мамлакатимиз педиатрларининг 5-съезди очилди. Унда АҚШ, Россия, Англия, Ироқ ва Қозоғистондан келган олимлар ҳам иштирок этмоқда.

* * *

Хитойнинг жанубидаги Гуанчжоу шаҳрида дунёдаги энг баланд — 580-600 метр узунликдаги миноранинг қурилиши режалаштирилмоқда. Қурилиш ишларининг тезда бошланиши мўлжалланган.

* * *

Европанинг «Start-1» сайёраларо халқаро автоматик станцияси Ой орбитасига чиқди.

* * *

Ироқда асир олинган британиялик аёл Маргарэт Ҳассан террорчилар қурбони бўлди.

* * *

Вьетнамда маҳаллий валютани қалбакилаштиргани учун 31 ёшли Трантхи Май Ха ўлим жазосига маҳкум этилди. У жами 100 минг долларлик қийматдаги маҳаллий валютани сохталаштирганликда айбдор деб топилди. Бу ҳақда суд вакили журналистларга маълум қилди.

* * *

Лейпциг шаҳрида футбол қироли Пеле ва "ЖЧ-2006" ташкилий қўмитаси раҳбари Франц Беккенбауэр Германияда бўлиб ўтадиган навбатдаги жаҳон чемпионати рамзи ва тўпини намойиш қилишди. Рамзда "Голлео 6" номини олган шер акси туширилган. Расмий тўпни эса "Пилле" деб номлашди.

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА

Жорий йилнинг 15 ноябридан 20 ноябригача мамлакатимизда АҚШ давлат котибининг ёрдамчиси вазифасини бажарувчиси Майкл Г. Козак меҳмон бўлиб турди.

Мазкур ташриф мобайнида Майкл Г.Козак мамлакатимиздаги бир қатор вазирлик мутасаддилари билан учрашувлар ўтказди. Жумладан, 17 ноябр куни Адлия вазирлигида АҚШ давлат котибининг ёрдамчиси вазифасини бажарувчиси Майкл Г.Козак, АҚШнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчисининг биринчи ўринбосари жаноб Дэвид Эппилтон билан вазир А.Полвонзода ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Унда томонларни қизиқтирган бир қатор масалалар муҳокама қилинди. Хусусан, учрашувда 2002 йил 12 мартдаги **"Ўзбекистон Республикаси АҚШ билан стратегик шерикчилик ва ҳамкорлик асослари тўғрисида"**ги Декларацияда белгиланган қонунчилик фаолиятини такомиллаштириш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ҳамкорликларини ривожлантириш ҳамда мазкур декларацияда кўрсатилган бошқа бир қатор масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Бундан ташқари, Адлия вазири А.Полвон-зода мамлакатимизда ҳуқуқ ва қонунчилик соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, қонунчилик соҳасида олиб борилаётган либераллаштириш жараёни тўғрисида меҳмонларга батафсил маълумот берди.

Учрашув якунида томонлар Ўзбекистон Республикаси ва Америка Қўшма Штатлари ўртасида адлия соҳасида ҳуқуқий ҳамкорликнинг келгусидаги аниқ режалари белгилаб олди.

Шу йил 18 ноябр куни Адлия вазирлигида Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари томонидан инсон ҳуқуқларига риоя этилиши ҳолатини ўрганиш бўйича Идораларо ишчи гуруҳининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда БМТнинг қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши Конвенциясини бажариш бўйича Республика ҳукумати томонидан тасдиқланган тадбирлар режасининг айрим масалалари муҳокама қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) томонидан Олий суд, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий маркази ҳамкорлигида ва ЕХҲТнинг Тошкентдаги Маркази иштирокида ўтказилган **"Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда суд ва суддан ташқари тизим ҳамкорлиги: халқаро тажриба"** деб номланган илмий-амалий конференция натижалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг **"Далилларнинг мақбуллиги юзасидан жиноят-процессуал қонуний нормаларини қўллашнинг айрим масалалар тўғрисида"**ги қарорининг қабул қилингани Идораларо ишчи гуруҳи томонидан тергов ва суд амалиёти учун жуда муҳим аҳамиятга эга, деб қониқиш билан эътироф этилди.

Мазкур қарорда жиноят-процессуал қонуни нормалари бузилган ҳолатда олинган далиллар номақбуллиги ва ҳуқуқий кучга эга эмаслиги тушунтириб ўтилган.

Йиғилишда Ички ишлар вазирлиги томонидан халқаро тажриба ва донор мамлакатларнинг техник ёрдамидан фойдаланган ҳолда жиноят содир этганликда гумон қилиниб ушланганлар, айбланувчи ва маҳкумлар билан ишлашда ички ишлар идоралари ходимларининг касбий тайёргарлигини оширишга қаратилган бир қатор тадбирлар ўтказилганлиги таъкидланди. Жумладан, Ички ишлар вазирлиги томонидан БМТ Тараққиёт Дастури ҳамкорлиги ва молиявий кўмаги ёрдамида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар фаолиятига оид халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами ўзбек тилида чоп этилган.

Шунингдек, жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари бўйича эслатма ишлаб чиқилиб, барча ички ишлар идоралари ҳодимларига тарқатиш бошланган. Мазкур эслатмалар милиция муассасаларига кираётган ёки олиб келинаётган барча фуқароларга тарқатилади. Бундан ташқари, ушланган, гумон қилинувчи ёки айбланувчи шахсларга ушбу ҳимояга бўлган ҳуқуқлари тўғрисидаги эслатмалар расмий топширилади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиш тизимини мукаммаллаштириш ва келгусида ривожлантирилиши учун 2005-2010 йилга белгиланган Концепция лойиҳасига Идораларо ишчи гуруҳи томонидан алоҳида эътибор қаратилди.

Ушбу концепция лойиҳасида қамоққа олинган шахсларни сақлаш, шароитларини либераллаштириш ва яхшилаш, жазони ижро этиш тизими фаолиятининг қонунчилик базасини мукаммаллаштириш ва бошқа бир қатор ташкилий масалалар ўз аксини топган.

Йиғилиш якунида Идораларо ишчи гуруҳига юклатилган вазифаларни бажариш юзасидан навбатдаги чора-тадбирлар белгилаб олинди.

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАТБУОТ ХИЗМАТИ

Talab, taklif, mulohaza

МАНСАБДОР ШАХС: МАСЪУЛИЯТ ВА ЖАВОБГАРЛИК

Жамият ва давлат фаолияти самарадорлиги давлат ҳокимияти, бошқарув ва ўзини-ўзи бошқариш идораларидаги мансабдор шахсларнинг ўзларига юклатилган вазифаларни қай даражада бажаришларига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир. Зеро, ҳокимият идоралари ва бошқарув тизимидаги мансабдор шахслар томонидан содир этилган хизмат мавқеи билан боғлиқ жиноятлар ниҳоятда хавфли ҳисобланади. Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда, "ҳар бир давлат тарихида янги ижтимоий сифат ҳолатига ўтиш, афсуски, коррупция ва жиноятчилик каби жирканч ҳодиса билан бирга юз берган. Шу билан бирга, жиноятчиликнинг ўсиши нафақат ислоҳотлар йўлига жиддий тўсиқ, балки ўтиш даврида белгиланган мақсадларга эришишга ҳам қарши бевосита таҳдид туғдиради".

Ҳокимият ёки бошқарув тартибига қарши жиноятлар хусусида сўз юритар эканмиз, мансабдор шахс атамаси беихтиёр тилга олинади. Мансабдор шахс тушунчаси Жиноят кодексининг **"атамаларнинг ҳуқуқий маъноси"** деб аталган саккизинчи бўлимида акс эттирилган. Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Жиноят кодексида мансабдор шахс тушунчаси илгариги мазмунда, яъни тоталитар тузум давридан "мерос" бўлиб қолган юридик атама ҳисобланади. Ҳозирги кунда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий соҳалардаги рўй берган туб бурилиш, мулкчилик шаклларининг кенгайиши, хусусий мулкнинг эркин ривожланиши, жамиятни эркинлаштириш чора-тадбирлари натижасида давлат ҳокимияти, бошқарув тизими билан нодавлат тузилмаларни фарқлашга эътибор кучайгани сабабли Жиноят кодексидаги махсус субъектлардан саналган мансабдор шахс тушунчасини такомиллаштириш ва бойитиш йўли билан янгича ифодалашга зарурат сезилмоқда.

Чунки тергов ва суд амалиётида давлат ҳокимияти, бошқарув, ўзини-ўзи бошқариш тизимидаги мансабдор шахслар томонидан содир этилган жиноятларни, шу идоралардаги мансабдор шахс ваколатига эга бўлмаган мутахассис ходимлар ёки тадбиркорлик, тижоратчиликка ихтисослашган ташкилотлар, фермер хўжалиги раҳбарларини қилмишидан фарқлай олмасдан мансабдор шахс деб жиноий жавобгарликка тортиш ҳолатлари ҳам учрайди.

Шуни айтиш керакки, Жиноят кодексида мансабдор шахсга икки турга бўлган ҳолда тушунча берилган. **Биринчиси:** ташкилий-бошқарув ёки маъмурий хўжалик ваколатлари берилган мансабдор шахслар бўлса, **иккинчи** тоифадаги масъул мансабдор шахсларга қуйидагилар киради:

1) ҳокимият вакиллари;

2) давлат корхонаси, муассасаси ёки ташкилотларида сайлаш ёки тайинлаш бўйича доимий ёхуд вақтинча ташкилий бошқарув ёхуд маъмурий–хўжалик вазифаларини бажариш билан боғлиқ лавозимларни эгаллаб турган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахслар;

3) мулкчиликнинг бошқа шаклларидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари, давлат бошқаруви юзасидан белгиланган тартибда ҳокимият ваколати берилган жамоатчилик вакиллари;

4) иккинчи бандда назарда тутилган вазифаларни фуқаролликнинг ўзини-ўзи бошқариш идораларида бажариш билан боғлиқ мансабларни эгалловчи шахслар киритилган.

Мансабдор шахснинг ташкилий — бошқарув вазифасига жамоага раҳбарлиги, ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйиш (ишга қабул қилиш, ишдан бўшатиш тўғрисида буйруққа имзо чекиш ва ҳакозо), ўзига бўйсунувчилар учун меҳнат ёки хизмат қилиш шароитини яратиши ёки ташкил этиши, интизомга риоя қилишни талаб қилиши, рағбатлантириш ва интизомий жазо чора қўллаш каби фақат айнан битта раҳбарга хос вазифалар тушунилади.

(Давоми учинчи бетда)

Taassuf

Ҳаётда киши сира хаёлига келтирмаган воқеа ҳодисалар ҳам содир бўлиб туриши мумкин. Бундан икки йил муқаддам хазонрез куз кунларининг бирида Қизилтепа туманидаги "Азизбек-2001" хусусий фирмаси раҳбари Нутфулло Ҳамдамов "Бухоронефтмаҳсулот" унитар корхонаси бош ҳисобчиси Раҳимжон Остоновни йўқлаб келди.

ЎЙЛАМАЙ ЧЕКИЛГАН ИМЗО

— Қайси шамоллар учирди? — дея бош ҳисобчи Нутфулло Ҳамдамов билан сўрашиб кетди.

— Меҳр тортди. Бир кўргим келди, — деди Нутфулло Ҳамдамов.

— Хуш келибсиз. Бош устига.

— Бир илтимосим ҳам бор эди.

— Қандай илтимос экан? Мушкулингизни осон қиладиган бўлсам, бошим осмонга етарди, — деди бош ҳисобчи.

Нутфулло Ҳамдамов фермер хўжалиги ташкил этаётгани, «Миллий банк»нинг Навоий вилояти бўлимидан чорвачилик билан шуғулланиш учун 15.000.000 сўм миқдорида кредит олиш ниятида эканини айтди. Фақат кафиллик шартномасига корхона бошлиғи ва бош ҳисобчиси имзо чекса, кредит қўлига тегишини билдирди.

Қисқаси, 2002 йил 30 октябр куни Қизилтепа тумани, Зиё Қобилов номидаги ширкат хўжалиги яшовчи "Азизбек-2001" хусусий фирмаси раҳбари Нутфулло Ҳамдамовга «Миллий банк»нинг Навоий вилояти бўлими томонидан 15.000.000 сўм кредит ажратилиши тўғрисида уч томонлама тузилган 2410-сонли кафиллик шартномасига имзолар қўйилди. Йиллик 33 фоизли кредит 3 йил муддатга пул кўчириш йўли билан ажратиб берилди.

"Бухоронефтмаҳсулот" шуъба унитар корхонаси раҳбари Шаҳобиддин Бақоев, корхона бош ҳисобчиси Раҳимжон Остонов кафиллик шартномасига имзо қўйганларида бир кун келиб қармоққа илинишлари, энг ёмони, жиноий жавобгарликка тортилишини ўшанда сира хаёлларига ҳам келтиришмаган эди. Акс ҳолда улар жиноий тил бириктириб, расмий ҳужжат ҳисобланган кафиллик шартномасига гажакдор имзо қўйиб, тасдиқлаб беришмасди.

(Давоми иккинчи бетда)

ҲАЛОЛ МЕҲНАТ КАФОЛАТИ

Юртмизда фермерлик фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларига бўлган қизиқиш шу жабҳага бўлган қизиқиш ва интилишлардан асло кам эмас. Олий Мажлиснинг 15-сессиясида янги таҳрирда қабул қилинган "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги қонун фермерлик ҳаракати қатнашчилари ва ҳаётини шу соҳага бағишлашга ошиқаётганлар ўртасида нечоғлик катта қизиқиш уйғотганини мазкур ҳужжат яратилаётган чоғлардаёқ кўпчилик англаб етган. Қонун матни куни кеча матбуотда эълон қилинди ва у кучга кирди.

Бошқача айтганда, қишлоқ тадбиркорлигини равнақ топтиришга қаратилган истиқболли давлат сиёсатини рўёбга чиқариш соҳасидаги кўламдор саъй-ҳаракатлар янги босқичга кирди. Қонуннинг янги таҳрири аввалгиси сингари 36 та моддадан иборат. Бироқ унинг деярли барча боб ва моддаларига ўзгартириш ҳамда қўшимчалар, боз устига, деҳқон меҳнати, манфаати, ҳақ-ҳуқуқларини эъзозлаш, кенгайтириш, ҳимоялашга қаратилган бир қатор янгиликлар киритилган.

Ҳалол ва фидойи фермер ўз мулкининг янгона ҳамда дахлсиз эгаси ҳисобланади. Янги таҳрирдаги қонуннинг 4, 11, 13, 16, 17, 18, 19, 20, 30-моддалари билан танишган киши бунга яққол ишонч ҳосил қилади. Янги қонунга мувофиқ фермер хўжаликлари уни таъсис этувчининг шахсий хоҳиш-истаги асосида ташкил этилади. Ерни ижарага беришнинг энг қисқа муддати энди аввалгидек 10 эмас, балки 30 йил қилиб белгиланди. Фермер ўз тасарруфидаги ердан 50 йил мобайнида фойдаланиш ҳуқуқига эга. Башарти, у вафот этса, ер унинг фарзандига мерос сифатида ўтади. Меросхўрлар ҳам ўз навбатида ердан фойдаланиш муҳлати тугагач, уни яна 50 йилгача бўлган янги муҳлатга узайтириш ҳуқуқини қўлга киритадилар. Фермер хўжалигини ташкил этиш ва унинг тасарруфига ер майдонларини ажратиб бериш юзасидан туман ҳокимининг қарори вилоят ҳокими томонидан тасдиқлангач, қонуний кучга киради. Фермернинг ер-мулк эгалигига бўлган ҳуқуқи ҳам энди анча мустаҳкам ва дахлсиздир. Қонунга кўра, фермер ўз фаолиятининг дастлабки 2 йили, ўзи томонидан ўзлаштирилаётган янги ерларда эса 5 йил мобайнида солиқ тўловларидан озод қилинади. Муқаддам амал қилган қонунда фермер ўз маблағини хўжалик фаолиятида кўзда тутилмаган бошқа тадбирларга сарфлаши мумкинлиги қайд этилган ва шу асосда унга тегишли пулларни берухсат олиб қўйиш ҳоллари ҳам қайд этилган эди. Қонуннинг янги таҳрири (16-модда) фермернинг даромадини тасарруф этиш ҳуқуқи фақат унинг ўзига берилганини ҳисобларидан. Шундай экан, ер-мулк соҳибига тегишли бойликларни фермернинг розилигисиз олиб қўйиш ёки ўзга мақсадлар йўлида сарфлаб юборишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Қонуннинг 19-моддасида фермернинг ушбу ҳуқуқи янада кафолатланган: "**Фермер хўжалигининг мулк ҳуқуқи давлат ҳимоясидадир**". Айни пайтда фермер хўжалиги фаолиятини текширишни чеклаш масаласи, тафтишга айрим ҳолатлардагина рухсат берилиши мумкинлиги ҳақидаги қайдлар 30-моддадан жой олган. Фермер хўжалиги ортиқча ташвиш ва расмиятчиликларсиз таъсис этилмоғи ва эмин-эркин фаолият юргизмоғи зарур. Қонуннинг 6 ва 8-моддаларида ушбу фаолиятни ортиқча ҳужжатлар ва қоғозбозликларсиз ташкил этиш йўл-йўриқлари баён этилган.

Шунингдек, фермернинг зиммасига ҳам бир қатор масъулият юкланади. Фаолияти давомида у ўзининг Низоми талабларидан четга чиқмаслиги, хусусан, ерларни алмашлаб экиш бўйича жорий этилган тартиб-қоидаларга қатъий риоя этиши, контрактация шартномаларини сўзсиз бажариши, ишловчилар меҳнатини рағбатлантириши, таъсис жамғармасини ўз билганича ўзгартирмаслиги шарт.

Мамлакатимизда фермерлик ҳаракатига берилган имтиёз ва қонуний ҳуқуқлар жабҳа фаолиятини янада рағбатлантиришга хизмат қилишини тасаввур этиш қийин эмас. 2004 йил Хоразм вилоятида фермерликни тубдан юксалтириш ва юқори самарадорликка эришиши эътиборга молик. Вилоятнинг Янгибозор тумани ўтган йили тўлиқ фермерликка ихтисослаштирилди. Мулкчилик ва манфаатдорлик туйғуларини чуқур идрок эта олишнинг шарофати шу бўлдики, туман ўз пахтачилик тарихида биринчи бор пахта тайёрлаш давлат буюртмасини вилоятда биринчи бўлиб уддалашга, рентабеллик кўрсаткичини 25 фоизга етказишга эришди.

Умуман, воҳадаги 8186 та фермер хўжалигининг аксарияти йилни юқори самарадорлик билан якунлаяпти. Вилоятда пахтачилик, ғаллачилик, пиллачилик соҳасида бу йилнинг эришилаётган ютуқларда фермерларнинг улуши олдинги даврлардагидан анча салмоқли бўлганини таҳлиллар яққол тасдиқлайди. Ҳалол меҳнат, қонуний фаолият, намунали хизмат — ютуқларнинг бош омили. Вилоятда 113832 гектар ер, шу жумладан, 94349 гектар экин майдонлари фермерлар тасарруфига берилган. Уларда 39720 нафар киши иш билан таъминланган. Фермер хўжаликларининг 71 фоизи пахта ва ғаллачиликка, 11 фоизи чорвачиликка, 18 фоизи боғдорчилик, сабзавотчилик ва бошқа соҳаларга ихтисослашган. Фермерлар қарамоғидаги чорва моллари сони анча тез суръатлар билан ортаяпти. Ялпи пахта ҳосилининг 38,5 фоизи фермерлар улушига тўғри келади. Ушбу тармоқда фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларининг рентабеллик кўрсаткичи ширкат хўжаликларидагига қараганда сезиларли даражада юқори ва 25 фоиздан зиёдроқни ташкил этяпти.

Ушбу мақолани тайёрлаш жараёнида вилоят статистика Марказига мурожаат қилиб, бир талай маълумотлар билан танишдик. Пахтачилик соҳасидаги 4,5 мингдан зиёд фермер хўжалигининг 4 мингдан зиёди, контрактация шартномасини октябр ойининг биринчи ярмидаёқ уддалаган бўлса, ғаллачилик тармоғидаги салкам 2000 фермер хўжалигининг 90 фоизи мавсумни ширкат хўжаликларига нисбатан юқори ҳосил олиш, шартномавий режани уддалаш билан якунлаган.

Кўриниб турибдики, "**Фермер хўжалиги тўғрисида**"ги қонун мамлакатимизда ушбу ҳаракатнинг ривожи янги босқичга қадам қўйганидан далолат беради ва тараққиёт суръатларини кучайтиришга хизмат қилади. Унда давлатимизнинг фермерлик ҳаракатини ишончли тарзда муҳофаза этиш ва қўллаб-қувватлашдек олижаноб стратегик режа ва мақсадлари мужассам. Қонун ҳалол ва фидойи, меҳнатда бойишни истаганлар учун доимо ишончли қалқон, йўл кўрсатувчи машъала. Айни пайтда ўзгалар манфаатига путур етказиш асосида нопок ва нохолис йўллар билан бойимоқни ният қилганлар учун эса таъсирчан тарбия мактаби ҳамдир.

Одилбек КАРИМОВ,
ҳуқуқшунос
Абдулла СОБИРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Fermerlik taraqqiyoti

Gazetxon xat yo`llabdi

«МИННАТДОРМАН!»

Ушбу миннатдорчилик мактубини ёзишимдан мақсадим шуки, мен уч нафар ногирон фарзандларимга ёрдам сўраб, "Инсон ва қонун" таҳририятига мактуб йўллаган эдим. Таҳририят ва Андижон вилояти адлия бошқармаси кўмаги билан ногирон фарзандларим касалхонада даволанди ва касаллиги бўйича ногиронлик нафақаси тайинланди. Шунинг учун "Инсон ва қонун" газетаси таҳририятига ва Андижон вилояти адлия бошқармасига миннатдорчилигимни билдирмоқчиман.

Аропатхон ТЕШАБОЕВА,
Андижон вилояти

Tahrirsiz maktub

«ТУШУНМОВЧИЛИКМИ ЁКИ...»

Мен 1998 йилнинг 15 март куни Тошкент тумани халқ таълими бўлимига қарашли 1 гектар ер участкасини ўн йил муддатга ижарага олдим. Барча ҳужжатлар рисоладагидек расмийлаштирилди. Шартнома шартларини бажариш, уларга амал қилиш ҳақида ҳар икки томон аниқ қарорга келиб, имзо чекдик. Шартнома "Ер" кодекси тталабларидан келиб чиққан ҳолда тузилди.

Ижарага олинган ер оилавий жамғармамиз ҳисобига ўзлаштириб, ҳосилдор майдонларга айлантирилди. Қуриган дарахтлар қирқиб ташланиб ўрнига янги серҳосил навли кўчатлар ўтказилди. Ниҳоят, меҳнатимиз ўз самарасини берди. Олинган ҳосил арзон нархларда мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларига арзон нархларда топширилди.

Айтиш керакки, ўтган йиллар ичида шартномада кўрсатилган ҳамма шартлар тўлиқ бажарилиб келинди. Пул тушумлари туман халқ таълими бўлими ҳисоб рақамига ўтказиб берилди. Буни қарангки, ишлар юришиб кетгач, тайёр ишга баковуллар чиқиб қолди.

Ер кодексининг 24-моддасида ижара шартномаси бир томонлама бекор қилишга йўл қўймаслик алоҳида таъкидланган бўлса-да, бироқ тумандаги айрим раҳбарлар ижарага берилган майдонни олиб қўйишга ҳаракат қилишди.

Фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судининг 2001 йил 9 апрелдаги ҳал қилув қарорига кўра, барча майдонлар ўзимга қайтариб берилди. Орадан бир неча йил ўтса-да, ҳамон менинг фаолиятимга тўсқинлик қилиш ҳолатлари юз бермоқда. Менга нисбатан қўйилаётган бундай сунъий тўсиқлар қачон барҳам топаркан?

Нодир ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Тошкент тумани

Bugunning gapi

МЎЪЖИЗА ЯРАТАЁТГАН ОДАМЛАР

Элликқалъа туманининг ташкил этилганига унчалик кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо шу қисқа фурсат ичида қўҳна ёдгорликлар юрти гулгун бир диёрга айланди. Бугунги кунда туманимизда рўй бераётган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар ҳар қандай кишининг дилини равшан этиши тайин.

Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, туманимизнинг саноат марказларидан ҳисобланмиш "Элтекс" ип йигирув ва тўқув фабрикаси бундан ўн йилча муқаддам қум барханлари устида қад тиклаган эди. Пахта тозалаш, ип йигирув, тўқув, пардозлаш ва тикув фабрикаларидан иборат саноат мажмуининг Низом жамғармаси дастлаб 500 миллион сўмни ташкил этган эди. Ўтган давр мобайнида корхонамиз фаолиятида жиддий ижобий ўзгаришлар юз берди. Ҳозирда саноат мажмуи таркибида иккита қўшма корхона иш юритмоқда. Ўзбекистон-Австрия-Бангладеш давлатлари иштирокидаги "Юнивер" қўшма корхонаси жинси маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Ўтган йиллар давомида корхона ўз тайёр маҳсулотларини Оврўпонинг қатор мамлакатларига сотишга эришди. Сўнгги пайтларда эса бу маҳсулотларни Америка қатъаси давлатларига сотиш йўлга қўйилди. Қўшма корхонанинг ҳозирги кундаги Низом жамғармаси 13 миллион АҚШ долларга тенг.

Саноат мажмуимизга қарашли "Медикал-Коттон-Интернейшнл" қўшма корхонаси Ўзбекистон-Лихтенштейн давлатлари ўртасида ташкил этилган бўлиб, корхонада стерилланган тиббиёт пахтаси ишлаб чиқарилмоқда. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳозирча ички бозорда сотилаётган бўлса-да, яқин вақт ичида уларни Россия мамлакатига экспорт қилиш юзасидан музокаралар олиб борилмоқда.

Айни кунларда акциядорлик жамиятимизда 3000 нафарга яқин ишчи-хизматчилар меҳнат қилмоқда. Уларнинг ойлик маошлари тобора ошиб бормоқда. Ишчи-хизматчилар учун автотранспорт, маданий-маиший хизмат турлари бепул тарзда ташкил этилган. Ҳоҳловчилар туман ва қўшни Хоразм вилоятининг сиҳатгоҳларида ўз соғлиқларини тиклаб қайтишмоқда.

Шу боис, жамоамизнинг ҳар битта ходими ўз меҳнат маҳсулидан мамнун. Зеро, улар ўз меҳнатлари билан мўъжиза яратишмоқда.

Рашид ЁҚУБОВ,
"Элтекс" очиқ турдаги акциядорлик жамияти раиси

Qonun ko`magi

ТЎСИҚ ОЛИБ ТАШЛАНДИ

Шўрчи туманидаги "Толли" ширкат хўжалигида истиқомат қилувчи ака-ука Шерали ва Музаффар Хўжақовлар 2000 йилдан буён оилавий пудрат асосида меҳнат қилиб, 12 гектарлик ер майдонида деҳқончилик қила бошлашди. Ўтган уч йил мобайнида ака-ука пудратчилар белгиланган ғалла етиштириш режасини ортиғи билан бажаришди. Шу боис улар ўтган йили фермер хўжалиги тузишга қарор қилишди.

Шундан сўнг ширкат хўжалиги бошқарув раҳбариятига мурожаат этишди. Ўтган йилнинг 7 январ куни бўлиб ўтган хўжаликнинг умумий йиғилишида Шерали Хўжақовга 10 гектарлик ер майдони ажратиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Хўжалик бошқарув раиси А.Ашуров ва ер тузувчи Э.Соатов томонидан имзоланган хулоса туман ҳокимлиги қошидаги ер майдонларини бериш масалаларини кўриб чиқувчи комиссияга тақдим этилди. Ушбу хулоса гарчанд ҳокимлик қошидаги ер ажратиш комиссияси раиси ўринбосари И.Абдуллаев ва унинг беш нафар аъзоси томонидан имзоланган бўлса-да, комиссия раиси Ж. Маматмўминов унга қаршилик кўрсатди.

Шундан сўнг ака-ука Хўжақовларнинг оворагарчилиги бошланди. Улар турли идораларнинг эшигида сарғайиб юришганда 10 гектарлик ер майдонини бошқа фермер хўжалигига ажратиб бериш тўғрисида туман ҳокимлигининг 2003 йил 30 декабр кунидаги 729-сонли қарори чиқди. Чунки ер участкалари бериш тўғрисида ариза берган фуқаролар ўртасида танлов ўтказилмаган эди. Хўжалик бошқарув раиси А.Ашуровнинг бир контурдаги ер майдонини бир йил мобайнида бир неча нафар оилавий пудратчига ажратиш тўғрисида қарор қабул қилгани ана шундай чалкашликларни келтириб чиқарди. Натижада белгиланган ғалла ҳосили етиштиришдаги режаларини ошиғи билан уддалаб юрган пудратчи ака-ука Хўжақовлар ердан ажралиб қолишди...

Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси фуқаролар Шерали ва Музаффар Хўжақовларнинг аризалари юзасидан текшириш ўтказиб, масалага дахлдор ҳужжатларни фуқаролик ишлари бўйича Денов туманлараро судига тақдим этди. Адлия бошқармаси киритган даъво ариза судда кўрилиб, ака-ука Шерали ва Музаффар Хўжақовларга "Толли" ширкат хўжалигида 10 гектарлик ер майдони ажратиш, Шўрчи туман ҳокимлигига эса фермер хўжалик ташкил этиш тўғрисидаги 12-сонли қарорни тасдиқлаш мажбурияти юклатилди. Шу тариқа ака-ука пудратчиларнинг ниятлари амалга ошди. Фермерлик йўлига қўйилган сунъий тўсиқ олиб ташланди.

Қоржов ЧОРИЕВ,
Баҳодир ЧОРШАНБИЕВ

Muloqot

«РАИС ТЎҒРИ САЙЛАНДИМИ?»

САВОЛ: *Ҳурматли таҳририят ходимлари!*

2003 йилнинг ноябр ойида маҳалла раислигига сайлов ўтказилди. Унда сайловчиларнинг 70 нафари қатнашди, бошқалар иштирок этмади. Бунинг сабабини сўраганимизда, фақат вакиллар қатнашса етарли дейишди. Саволим қуйидагича: фақат 70 киши фуқаролар номидан маҳалла раисини сайлашга ҳақлими?

Ҳамро ҲАСАНОВА,
Сармарқанд вилояти, Ургут тумани, Ғус қишлоғи

— Ушбу саволингизга 2003 йил 30 август куни ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган. "**Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида**"ги қонуннинг 20-моддасида батафсил жавоб берилган: "**фуқаролар йиғининг раиси (оқсоқоли) ва раис маслаҳатчилари 2.5 йил муддатга сайланадилар, фуқаролар йиғининг раиси (оқсоқоли) тегишли туман, шаҳар ҳокими билан келишилган ҳолда, маслаҳатчилар эса йиғин раисининг (оқсоқолининг) тақдимномаси бўйича сайланадилар. Фуқаролар йиғининг раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари, агар фуқаролар йиғинида ҳозир бўлганларнинг ярмидан кўпроғи уларни ёқлаб овоз берган бўлса, сайланган ҳисобланадилар. Агар тақдим этилган шахслар зарур миқдорда овоз олмасалар, кўриб чиқиш учун бошқа шахслар тақдим этилади».**

Ушбу модда талабидан келиб чиқиб жавоб берадиган бўлсак, сайловчиларнинг 70 нафари маҳалла раисини сайлашга ҳақли.

МЕРОС ҲУҚУҚИ ДАХЛСИЗ

2000 йилнинг 16 сентябрида укам Эминов Усмонжон вафот этди. Унинг фарзанди йўқ эди. Вафотидан илгари хотини участка инспектори, қишлоқ фуқаролари йиғини аъзолари, маҳалла қўмитаси раиси иштирокида мол-мулкини олиб чиқиб кетган. Шу пайтда керакли ҳужжатлар, яъни далолатнома, тилхат (мол-мулкни олганлик ҳақида) тузилган. Мен укам бемор бўлиб ётган чоғида ҳам, вафотидан кейин ҳам барча сарф-харажатларни ўз ҳисобимдан қилдим. Вафотидан сўнг хотини келиб, "уйимдан мажбурий чиқариб юборди" деб бизларни судга берди ва у укамнинг уйини даъво қила бошлади. Бу уй ота-онамиздан қолгани учун мен ва яна бир укам судга мурожаат қилиб, онамнинг номида бўлган бу уйни укам жияни (менинг набирам) Маҳмуджонга васият қилиб қолдирганини айтдик. Ушбу васиятнома учта гувоҳ ва маҳалла қўмитаси раиси гувоҳлигида тузилган. Афсуски, суд буни тан олмаяпти. Ўзимни қийнаётган қуйидаги саволларга жавоб берасиз, деган умиддаман.

1) васиятнома ҳақиқий бўлса-да, нега уни суд тан олмаяпти?

2) ота-онасидан қолган уй-жойга фарзандлар неча ёшдан меросхўр бўла олади? Ёши ўтиб қолса, меросхўр ҳисобланмаслиги ҳам мумкинми?

3) "Уйдан кўчириш" ҳақидаги қарор чиққан тақдирда ўша кишининг бошқа турар жойи бўлмаса ҳам, бу қарор мажбурий амалга оширилади?

4) Ота-онасидан қолган уйни бузиб, яна ўша қурилиш материалларидан бошқа уй қурилса, бу уй меросхўрларга бўлинмайдими?

Зайнабхон ЭМИНОВА,
Андижон вилояти, Асака тумани

— Бу саволга жавобан шуни айтиш керакки, Фуқаролик кодексининг 1124-моддасида васиятноманинг шаклига доир умумий қоидалар берилган бўлиб, унга мувофиқ "**Васиятнома ёзилган жойи ва вақти кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда тузилиши лозим.**

Қуйидаги васиятномалар ёзма шаклда тузилган ҳисобланади:

- нотариал тасдиқланган васиятномалар;

- нотариал тасдиқланган васиятномаларга тенглаштирилган васиятномалар.

Ёзма шаклдаги васиятнома васият қилувчининг ўз қўли билан имзоланиши лозим.

Дарҳақиқат, энди васиятноманинг ҳақиқий эмас, деб топилишига тўхталиб ўтадиган бўлсак, Фуқаролик кодексининг 1130-моддасига мурожаат қиламиз. Ушбу моддага мувофиқ, **тегишли шаклда тузилмаган васиятнома ҳақиқий эмас. Васиятноманинг ҳақиқий эмаслиги ушбу кодекснинг битимлар ҳақиқий эмаслиги тўғрисидаги қоидаларга ҳам асосланади.**

Васиятноманинг ҳақиқий эмас деб топилишидан мулкий оқибатларга эга бўладиган шахснинг даъвоси бўйича васиятномани тузиш, имзолаш ва тасдиқлашнинг ушбу кодексда белгиланган тартибда бузилиши натижасида ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

Васиятномадаги айрим фармойишларнинг ҳақиқий эмаслиги васиятноманинг қолган қисми ҳақиқийлигига дахл қилмайди.

Васиятнома ҳақиқий эмас, деб топилган тақдирда, ушбу васиятномага биноан меросдан маҳрум бўлган меросхўр умумий асосларда мерос олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Энди ота-онасидан қолган уй-жойга фарзандлар неча ёшдан неча ёшгача меросхўр бўла олади, деган саволингизга келсак, Фуқаролик кодексининг 1118-моддасига мувофиқ, **мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган фуқаролар, шунингдек, мерос қолдирувчиларнинг ҳаётлик пайтида ҳомила ҳолида бўлган ва мерос очилгандан кейин тирик туғилган болалари васият ва қонун бўйича меросхўр бўлишлари мумкин.**

Демак, меросхўр бўлиш учун ёш чекланмаган. Ёши ўтиб қолса ҳам меросхўр бўлади.

Учинчи саволингизга жавобан шуни айтиш жоизки, "Уй-жой" кодексининг 70-моддасига мувофиқ турар жойдан кўчириш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади: муниципал, идоравий уй-жой фондининг уйларидаги эгаллаб турилган турар жойдан кўчиришга ушбу кодексга белгиланган асослар бўйича йўл қўйилади.

Кўчириш суд тартибида амалга оширилади. Турар жойларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олган ёки авария ҳолатида деб топилган уйларда яшаётган шахслар прокурор санкцияси асосида маъмурий тартибда кўчирилади.

Маъмурий тартибда кўчириш тўғрисидаги прокурор қарори устидан суд тартибида шикоят қилиниши мумкин.

Сизнинг мажбурий кўчириш вақтидаги шароитингиз «Уй-жой» кодексига мувофиқ эътиборга олинади.

Ота-онасидан қолган уйни бузиб, яна ўша қурилиш материалларидан бошқа уй қурилса, бу ҳам Фуқаролик кодексининг 1-моддаларига мувофиқ меросхўрлар ўртасида тақсимланади. Чунки олдинги уй ҳам меросхўрларга васият қилиб қолдирилган бўлади. Шундан келиб чиқиб, меросхўрлар ўртасида ўша қурилиш материалларидан қурилган уй бўлинади.

Саволларга Саломат НИЁЗОВА ва Шерзод АБДУҚОДИРОВ жавоб беришди.

ЎЙЛАМАЙ ЧЕКИЛГАН ИМЗО

Taassuf

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Ўрин келганда шуни айтиш керакки, кафиллик Фуқаролик кодексининг 292-моддасига мувофиқ қарздор ва кафил ўртасида банк фойдасига ёзма шаклдаги кафиллик шартномаси бўйича кафил бошқа шахс мажбуриятини тўлиқ ёки қисман бажариши учун унинг кредитори олдида жавоб беришни ўз зиммасига олади.

"Азизбек-2001" хусусий фирмаси банкдан олган кредит фоизларини сурункали равишда тўламай келди. Шундан сўнг банк мутасаддилари бу масалани қонуний ҳал этишни сўраб, Навоий вилояти хўжалик судига мурожаат қилишди. Суд даъво аризани кўриб чиқиб, ҳал қилув қарори қабул қилди. Унга кўра, "Азизбек-2001" хусусий фирмаси ҳамда "Бухоронефтбаза" корхонасидан 15.000.000 сўмлик кредит суммаси, унга ҳисобланган 870.000 сўм фоиз, шунингдек, 158.708 сўм давлат божи, 5000 сўмлик почта харажатлари солидар тартибда ундириладиган бўлди.

Яна ажабланарли томони шундаки, банк томонидан фирмада кредитнинг мақсадли ишлатилгани юзасидан текшириш ўтказилганда, ҳеч қандай маҳсулотлар олинмагани, бирламчи ҳужжатлари мавжуд эмаслиги маълум бўлди. Бунинг устига Қизилтепа тумани солиқ инспекциясига тақдим қилинган бухгалтерия баланси билан жиноят ишидаги бухгалтерия баланси ўртасидаги фарқ жуда катта экан.

Энг ёмони, фирма ДСИдан кредит олганини яширган. Ҳисобхона ҳужжатларида ёзувлар сохталаштирилиб, рақамлар ўзгартирилган.

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, кредит олинган вақтдан суд мажлиси бошланган кунгача "фаолият" кўрсатмаган фирма уни қайтариш имкониятига эга эмас. Хўжалик суди ҳал қилув қарорига асосан шу йил 16 мартдаги 120-сонли тўлов талабномаси билан кредит суммаси ва унга ҳисобланган фоизлар "Бухоронефтбаза" унитар корхонаси ҳисоб рақамидан «Миллий банк»нинг Навоий вилояти бўлими ҳисобига ундирилган.

Чунки кафолат шартномасига имзо чекаётган пайтда корхона раҳбари ва бош ҳисобчи "Азизбек-2001" хусусий фирмаси раҳбарининг кредитни тўлаш лаёқати бор-йўқлигига мутлақо эътибор бермаган. Оқибатда корхонага 16.033.708 сўм зарар етказилган. Уларга нисбатан Жиноят кодексининг 2005 моддаси "а,в" бандлари билан ҳақли равишда жиноят иши қўзғатилган. Дастлабки тергов ва суд тергови жараёнида Шаҳобиддин Баҳоев ва Раҳимжон Остонов айбларига иқрор бўлиб, қилмишидан пушаймонликларини баён этишди. Бироқ ҳар қандай жиноят жазога мустаҳиқ. Судда уларга нисбатан одилона ҳукм ўқилганлиги фикримизнинг исботидир.

Айрим корхона, ташкилот, муассаса раҳбарлари баъзан кўзни чирт юмиб, жамоа манфаатларини назарписанд қилмай расмий ҳужжатларга имзо қўядилар. Ҳолбуки, бундай бефарқлик хунук оқибатларга олиб келишини унутмаслик керак.

Бибиражаб МУҲАММЕДОВА,
ҳуқуқшунос
Валижон ЮСУПОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Оилавий пудратчи Ойбек Қаҳҳоров Олтиариқ туманидаги "Пахтаобод" ширкат хўжалиги билан 2003 йил ҳосили учун 10 гектар ер майдонида буғдой етиштириш юзасидан 4-сонли шартномага имзо чеккан эди. Шартнома шартларига биноан пудратчи ҳар бир гектар ер ҳисобидан 54 центнердан ҳосил олиб, ялпи хирмонни 54 тоннага етказиши керак эди. Бироқ оила пудрат бошлиғи шартномада қайд этилган мажбуриятни уддалай олмади. У мўлжалдагидан 15400 килограмм кам бошоқли дон етиштиришди.

ШАРТНОМА ШАРТИ

Dakki

"Пахтаобод" ширкат хўжалиги бошқарув ҳайъати аъзоларининг 2003 йил 20 декабр кунидаги 29-сонли йиғилиш қарорига асосан пудратчидан етиштирилмаган маҳсулот қиймати миқдорида, яъни 48212 сўмлик жарима ундириб олинди. Хўжалик бош ҳисобчиси С.Садиев ва бош иқтисодчиси Ж.Юсуповнинг жорий йил 13 август кунидаги ёзган тушунтириш хатларида ҳам юқоридаги ҳолат тўлиқ тасдиқланган.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўш, ширкат хўжалиги бошқарув ҳайъати аъзоларининг 2003 йил 20 декабр кунидаги 29-сонли қарори амалдаги қонун-қоидаларга қанчалик мос келади? Сиртдан қараганда, ҳеч қандай савол-жавобга ўрин йўқдек. Бироқ шу ўринда халқимизнинг "қарс икки қўлдан чиқади" деган нақлини эсга олиш лозим.

Чунки 2002 йилнинг 14 сентябр куни пудратчи ва хўжалик мутасаддилари томонидан имзоланган 4-сонли ички шартноманинг 6-2 банди талабига мувофиқ хўжалик пудратчини уруғлик, минерал ўғит, химикатлар ва бошқа моддий техника-ресурслари билан белгиланган муддатларда бошоқли дон етиштириш бўйича харажатлар ҳисоби жадвалига асосан таъминлаши, пудратчига иш ҳақини ўз вақтида тўлаш мажбуриятини олган. Бироқ хўжалик томонидан шартноманинг бошоқли дон етиштириш бўйича харажатлар ҳисобидан 152639 сўмлик минерал ўғит, 79400 сўмлик иш ҳақи ва техника хизматлари кам кўрсатилган. Шартнома мажбуриятлари оила пудратчиси томонидан эмас, балки бевосита ширкат хўжалигининг мутасадди раҳбарлари томонидан бузилган. Натижада оила пудрат бошлиғи 10 гектар майдонда режадаги ҳосилни етиштира олмаган. Бу — масаланинг биринчи томони. Масаланинг иккинчи томони шундаки, амалдаги Меҳнат кодексининг 164-моддаси 1-бандига кўра, ходимнинг ёзма розилиги билан, бундай розилик бўлмаган тақдирда эса суднинг қарорига асосан меҳнат ҳақидан ушлаб қолиниши мумкин. Ширкат хўжалигининг мутасадди раҳбарлари ушбу қонунни менсишмай, пудратчининг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини поймол этишган. Қолаверса, "**Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида**"ги қонуннинг 11-моддасида умумий мажлис ваколатлари белгиланган бўлиб, шартнома мажбуриятларини бажармаслик юзасидан оила пудратчилар ҳисобидан тўғридан-тўғри жарима ундириш ваколати белгиланмаган.

Демак, "Пахтаобод" ширкат хўжалиги бошқарув ҳайъати аъзоларининг 2003 йил 20 декабр кунидаги 29-сонли йиғилиш қарорининг бажармаган оила пудратчиларидан жарима ундириш ҳақидаги қисми ўз-ўзидан ноқонуний ҳисобланади. Оилавий пудратчи О.Қаҳҳоровга нисбатан ноқонуний қўлланилган 48212 сўм жарима ўз эгасига қайтарилиши лозим бўлади.

Раъногон Мадалиева ҳам ўтган йилнинг 20 сентябр куни "Пахтаобод" ширкат хўжалиги билан 3-сонли шартнома тузган эди. Мазкур шартномага мувофиқ амалдаги йилда Р.Мадалиева 3 гектар ер майдонининг ҳар гектаридан 27 центнердан, жами 8,1 тонна бошоқли дон етиштириши керак эди. Пудратчи режадагидан роппароса 3800 килограмм ортиқ маҳсулот хирмонга тўкди. Икки тарафлама имзоланган шартномага кўра режадан ортиқ етиштирилган барча маҳсулот юз фоиз натура ҳолда пудратчига тегиши керак эди.

Лекин хўжалик раҳбари "**Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида**"ги қонуннинг 15-моддаси талабларига зид равишда шартномага ўзгартириш киритиб, пудратчига қайтарилиши лозим бўлган 4100 килограмм доннинг 3100 килограмини бериб, ортиқча топширган. 1000 килограмм донни олиб қолди.

Хуллас, шартноманинг 68-банди талабига ҳеч ким амал қилмади. Ҳолбуки, шартноманинг 4-бўлим 13-банди ҳамда "**Хўжалик шартномасини юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида**"ги қонуннинг 24-моддасида хўжалик шартномаларини бажармаганлик ва лозим даражада бажармаганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги белгилаб қўйилган. Мазкур моддада агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, хўжалик шартномаларини бажармаганлик ва лозим даражада бажармаганлик учун мазкур қонуннинг 25-32-моддаларида назарда тутилган жавобгарлик чораларини қўлланиши ҳақида кўрсатма берилган. Демак, «Пахтаобод» ширкат хўжалиги оила пудрат бошлиғи Р.Мамадалиева фойдасига шартномадан ортиқ топширган 1000 килограмм бошоқли донни натура ҳолда ёки ҳозирги бозор баҳоси қийматини тўлаши керак. Хомаки ҳисоб-китобларга қараганда, хўжалик ўз пудратчисидан 186420 сўм қарздор бўлиб қолган.

Фарғона вилояти адлия бошқармаси оила пудрати бошлиқлари Ойбек Қаҳҳоров ҳамда Раъногон Мадалиеваларнинг манфаатларини кўзлаб, фуқаролик ишлари бўйича Риштон туманлараро судига даъво аризаси киритди. Тез орада пудратчилар ҳуқуқи тикланиши шубҳасиз. Чунки қонун улар тарафида.

Жўрабек ХЎЖАХОНОВ,
ҳуқуқшунос
Маъмур МУСУЛМОНОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Talab, taklif, mulohaza

МАНСАБДОР ШАХС: МАСЪУЛИЯТ ВА ЖАВОБГАРЛИК

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Маъмурий — хўжалик вазифаларига эса ташкилот, муассаса, корхонанинг банк ҳисобидаги ва ўз ҳисобидаги (омборхона, бинолар ва ҳоказо кўчар ёки кўчмас мулклари) пул маблағлари ва мулкларини бошқариш ёки тақсимлаш, шунингдек, бошқа хатти-ҳаракатлар (мисол учун иш ҳақи, мукофот пули бериш) моддий бойликларни эгаллаш, фойдаланиш ва қонуний асосларда тасарруф этиш, сарф-харажатларни амалга ошириш билан хўжалик фаолиятига раҳбарлиги тушунилади. Юқорида қайд этилганлардан давлат ҳокимияти, бошқаруви ёки ўзини-ўзи бошқариш идораларида ёки хусусий тадбиркор, фермер ёхуд нодавлат ташкилотида бўлишидан қатъи назар, раҳбар мансабдор шахс бўла олади деган тушунчага келиб чиқади.

Жиноят кодексидаги мансабдор шахсга берилган таъриф жуда кенг маънони англатади. Мансабдор шахс деганда давлат бюджети ҳисобидан маош олиб ишловчи нафақат ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаси юклатилган шахслар, аввало, давлат ҳокимияти вакили, яъни қонун чиқарувчи, (Олий Мажлис-Сенат ва Қонунчилик палатаси), ижро этувчи (Вазирлар Маҳкамаси, вазирлар, қўмиталар раҳбарлари каби) ва суд ҳокимияти (Конституциявий суд, Олий суд, Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман туманлараро, шаҳар судьялари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар хўжалик судларининг судьялари) сайлаш ёки тайинлаш асосида лавозим эгаллаган шахслар, фаолиятини амалга оширишда соҳа қонунларида белгилаб берилган бошқа шахслар (юридик ёки жисмоний) томонидан ижро этиши шарт бўлган бирон-бир қарор қабул қилиш ваколатига (терговчи, суриштирувчи, прокурор, прокурор ўринбосари, ёрдамчиси, назорат идоралари бошлиғи, инспекторлар ва ҳоказо) эга давлат хизматчилари киради. Мамлакатимизда давлат хизматчиси деган ибора амалда ишлатилмайди. Олимларнинг фикрига кўра, ҳокимият вакили ёки давлат бошқарув тизимида ишловчи амалдорга давлат хизматчиси деган нисбатни бериш учун **"Давлат хизматчиси тўғрисида"**ги қонун қабул қилиниши, давлат хизматчиси рўйхати (реестри иловалари билан) ишлаб чиқилиши керак.

Юқорида қайд этилганлардан Жиноят кодексидаги мансабдор шахс ёки масъул мансабдор шахслар тушунчаси ҳуқуқий жиҳатдан фарқлаб баён этилгандек кўринади. Аммо Жиноят кодексидаги бир неча тоифага бўлиниб баён этилган масъул мансабдор шахс тушунчасини (1-бандидан, яъни ҳокимият вакилларидан ташқари) аниқ мисоллар ёрдамида баён этиб таҳлил қилиш жуда мушкул. Айнан ушбу тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини Жиноят кодексида аниқ ва лўнда ифодалаш зарур. Бундай ёндашув шахснинг қилмишини квалификация қилишда муҳим аҳамиятга эга. Энг муҳими, қонун ижодкорлигида ҳар қандай ибора ёки тушунчалар оддий фуқарога тушунарли бўлиши учун аниқ ифодаланиш шарт, деган қоида мавжуд.

Таъкидлаш жоизки, Республика Олий суди Пленумининг **"Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари ҳақида"**ги 2002 йил 25 октябрдаги 26-сонли қарорининг 5-бандида баён қилинган **"судлар, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ жиноят ишларини кўришда юридик шахс ташкил этган ҳолда бундай фаолият билан шуғулланаётган кичик ва ўрта бизнес субъектлари раҳбарларининг ғайриқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги Жиноят кодексининг иқтисодиёт асослари ва хўжалик соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарликни белгиловчи моддалари диспозицияси билан қамраб олинса, қўшимча равишда мансабдорлик жиноятлари билан квалификация қилинмаслигини назарда тутишлари керак"**, деган тушунтиришида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларни, айниқса, хусусий ёки умумий хусусий мулкка асосланган (акционерлик жамияти, тадбиркорлик ва ҳоказо) янги иқтисодий шароитда фаолият кўрсатувчи нодавлат корхона, муассаса, ташкилот раҳбарларининг қилмишини мансабдор шахс деб квалификация қилиш мумкин эмаслиги англашилади. Албатта, Олий суд Пленумининг қарорини Жиноят кодексидаги меъёрга тенглаштириб бўлмайди. Чунки Конституциямиздаги меъёрлар мазмунида ҳуқуқ тизими соҳалари бўйича қонун чиқарувчи давлат ҳокимияти органи ҳисобланган Олий Мажлис томонидан қабул қилинган кодекслар, қонунлар, Президент Фармони, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, ҳуқуқ манбаи ҳисобланади. Фикримизча, Жиноят кодексидаги масъул мансабдор шахс тушунчаси воз кечиб, фақат мансабдор шахс тушунчасини сақлаб қолиш учун бу юридик атамани янги таҳрирда ўзгартириш йўли билан такомиллаштириш зарур. Шу сабабли Жиноят кодексида бу тушунча янги таҳririда қуйидаги мазмунда ифодаланса, мақсадга мувофиқ бўларди:

Мансабдор шахс — сайлаш ёки тайинлаш бўйича доимий, вақтинча ёки махсус ваколат асосида ҳокимият вакили вазифасини ёки давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти, ўзини-ўзи бошқариш идораларида, давлат корхоналари, муассасасида ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифасини амалга оширувчи шахслар;

Тадбиркорлик, тижорат ва бошқа корхоналарни бошқарувчиси ёки раҳбари деганда давлат ҳокимияти, бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти, ўзини-ўзи бошқариш идоралари, давлат корхона, муассаса, ташкилоти бўлмаган, мулкчилик шаклларидан қатъи назар тадбиркорлик, тижорат, хизмат кўрсатиш ташкилотларида доимий, вақтинча, махсус ваколат асосида ташкилий-бошқарув ёки маъмурий-хўжалик вазифасини амалга оширувчи шахслар тушунилади.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, тадбиркорлик субъектлари, тижорат, хизмат кўрсатувчи нодавлат идораларида бошқарувчи ёки раҳбар лавозимини эгаллаган шахсларнинг хизмат фаолияти билан боғлиқ суиистеъмолчиликка йўл қўйиши ёки бундай шахсларни пора эвазига оғдириш каби жиноий қилмишлари учун жавобгарликни кўзда тутувчи янги меъёрлар ҳам Жиноят кодексида ўз ифодасини топиши лозим.

Яна бир таклиф Жиноят кодексидаги мансабдор шахс тушунча билан тадбиркорлик фаолияти, бошқа шунга ўхшаш хусусий мулкчиликка асосланган корхона, ташкилот раҳбарларининг мансабини суиистеъмол қилиш ҳамда бошқа ғайриқонуний қилмишларини фарқлашга бағишланган ҳуқуқшунос олимларнинг илмий-тадқиқот ишлари, изланишларни кўламини кенгайтириб, аниқ таклифлар тайёрлаш керак.

Хулоса ўрнида айтганда, мустақиллик йилларида қабул қилинган қонунлар, тўпланган тажрибаларга, шунингдек, тергов ва суд амалиётида ҳал этилган мансабдор шахсларга тегишли ишлар юзасидан қилмишни квалификация қилиш билан боғлиқ хато-камчиликларни бартараф этиш, бир хил суд амалиётига эришиш мақсадида Жиноят кодексидаги меъёр ва тушунчаларни такомиллаштириш зарур.

Мавжуда РАЖАБОВА,
юридик фанлари доктори

Iftixor

АЁЛИНИ АЗИЗ БИЛГАН ЮРТ

Олам яралибдики, аёл зоти азал-азалдан азиз ва мукаррам саналган. Аёлнинг азизлиги унинг "она" деб аталувчи буюк мартаба соҳибаси эканлиги билан ўлчанса, мукаррамлиги эса унинг оилада доно маслаҳатчи, ақл соҳиби экани билан белгиланади. Зеро, аёли оқила хонадоннинг файзи ўзгача, унинг аъзоларининг бахти бекам бўлади. Аёлни эъзозлаш, унга алоҳида эътибор қаратиш эса келажак истиқболини таъминлаш билан баробардир.

Мамлакатимизнинг асосий қонуни Конституциямизнинг 63-моддасида Оила жамиятнинг асосий бўғини экани кафолатланган. Агар бугунги кунда қарор топган жамиятимизга оила нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, унда аёлларнинг жамиятда тутган ўрнига алоҳида аҳамият қаратилаётганини кўришимиз мумкин. Жумладан, айни кунларда муҳим бир долзарб масала — сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги катта ўзгаришларга сабаб бўлаётган Олий Мажлисни икки палатали парламент тизимига ўтказиш ислоҳоти ҳам давлат бошқарувида аёлларнинг иштирокини янада фаоллаштиришни талаб қилмоқда.

Шу боис **"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"**ги қонунга хотин-қизлар сони сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини ташкил қилиши лозим, деган янги ўзгартириш киритилди.

Аёлларга билдирилаётган бундай ишонч ва эътибор демократик давлат қуришнинг муҳим омили ҳисобланиши баробарида ўзликни англаш, ўтмишдан ўрнак олишдир.

Халқимизнинг шу кунгача босиб ўтган тарихига, буюк аждодларимиз томонидан асос солинган, дунёга донг таратган давлатчилик анъаналаримизга эътибор қаратадиган бўлсак, уларда аёлларнинг давлат ва жамият ҳаётида тутган беқиёс ўрнини кўришимиз мумкин. Оддий мисол, қудратли салтанатга асос солган Амир Темур доимо ўз фаолияти давомида рафиқаси Сароймулкхонимнинг маслаҳатларига қулоқ тутган, уни ўзининг яқин маслақдоши сифатида кўрган, узоқ юртларга кетаётганда эса давлат бошқарувини малика зиммасига юклаган. Бундай мисолларни тарихимиздан кўплаб келтириш мумкин. Зотан, давлат бошқарувида аёлларнинг бевосита иштирок этиши, уларнинг доно маслаҳатларига амал қилиниши натижасида давлат равнақ топган, мамлакатда тинчлик-осойишталик ҳукм сурган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, бўлажак икки палатали парламент ҳаётимизнинг ижтимоий ва сиёсий соҳаларидаги ўзгаришларнинг ибтидоси бўлибгина қолмай, у аёлларга давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини амалга ошириш учун кенг имкониятлар яратиб беради.

Хуллас, давлатимиз бугун дунё билан юзлашмоқда. Бу жараён эса миллийлик ва замонавийлик тамойиллари билан уйғунлашуви орқали амалга ошаётгани, айниқса, қувончлидир.

Назира ЧОРИЕВА,
ҳуқуқшунос

Xabar

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР — ДАВЛАТ МУҲОФАЗАСИДА

Оила жамиятнинг муҳим бўғини ҳисобланади. Шу маънода оиланинг барча аъзолари манфаат ва ҳуқуқлари ҳамиша давлат эътиборида бўлади.

Яқинда Адлия вазирлиги, Тошкент шаҳар адлия бошқармаси, ФҲДЁ бўлими Мудирлар кенгаши, Тошкент шаҳар ҳокимияти, Халқ таълими Бош бошқармаси ҳамкорлигида ўтказилган **"Вояга етмаганлар — давлат муҳофазасида"** мавзусидаги илмий-амалий семинар ҳам айни шу масалага бағишланди. Республика юристлар малакасини ошириш марказида бўлиб ўтган мазкур семинарда шаҳар ФҲДЁ бўлим мудиралари, халқ таълими вакиллари иштирок этишди. Анжуманда Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари Гулнора Иномжонова бу борада амалга оширилаётган хайрли ишлар билан бирга йўл қўйилаётган камчиликларга тўхталиб ўтди. Вояга етмаганлар тарбияси, ҳаёти ҳар доим барчанинг диққат-эътиборида бўлиши лозимлигини, бу борада юзага келаётган муаммолар нафақат ФҲДЁ ходимлари, балки ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, халқ таълими бўлими, участка нозирлари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғини аъзолари томонидан ҳам бартараф этилиши лозимлиги ҳақида мулоҳаза билдирилди. Шунингдек, семинар иштирокчилари **"Васийлик ва ҳомийлик ҳужжатларини тўғри расмийлаштирилиши"**, **"Васийлик ва ҳомийлик: вояга етмаган болаларни фарзандликка олиш муаммолари ва уларнинг ечими"** каби мавзулардаги маърузаларни ҳам тинглашди.

Qilmish-qidirmish

Ҳалол меҳнатга бўйни ёр бермаган Воси ўзга бир инсон тақдирини таҳликага қўйиб, қалтис йўлга қадам босди. Мактабни битиргач, бирор-бир ишнинг бошини тутмасдан онасининг топганига кунини ўтказиб юрган йигит текин бойлик орттиришни орзу қилиб қолди.

ТЕКИНТОМОҚЛИК

уюшган жиноий тўдани панжара ортига етаклади

СУД ОЧЕРКИ

Хуллас, ана шундай хаёл суриб юрган кунларнинг бирида тақдир уни эски таниши Муродқул Собировга, кейинчалик унинг яқин шериклари Шарофиддин Камолов ва Қамариддин Болтаевга рўбарў қилади. Навбатдаги учрашувларнинг бирида Воси Қамариддинга қани энди, чўнтагингда пулинг кўп бўлса-ю, одамга ўхшаб давру даврон суриб яшасанг, деб қолди.

— Хўш, бунинг учун нима қилиш керак? — дея савол назари билан унга тикилди Қамариддин.

— Мен буни ўйлаб қўйганман. Хоҳласанг, биз ҳам шундай яшашимиз мумкин. Биласанми, нима демоқчиман. Менинг онам ва опам Кибриёнинг бир дунё пули бор...

— Нималар деяпсан Воси... Қандай бўларкин?

— Зўр бўлади. Фақат сен бундан чўчима. "Чумчуқдан қўрққан тариқ экмайди", деган гапни эшитмаганмисан? Ўмармани олиб чиққанларингдан кейин уни тенг бўламиз...

Бу тажовуз "ихтирочиси" ҳамтоваклари ўз йўриғига қўндиргач, тўртовлон тунги босқинчилик учун қулай вақт келишини кута бошлашади. Фурсат келгач, виждони, ор-номусини пулга сотиб, инсоний қиёфасини йўқотган Воси Қамариддин Болтаев бошлиқ ҳамтоваклари ўзининг бошқарувида бўлган "РАФ" русумли автомашинасига ўтқазиб, онаси Мастура Мухторова яшайдиган манзил томонга бошлади. М.Собиров ва Ш.Камолов аввалдан келишилганидек, никоб кийиб, девор орқали ҳовлига ошиб тушишади-да, М.Мухторова ухлаб ётган хонага бостириб киришади. Кейин ожиза аёлнинг қўл-оёғини рўмол билан боғлаб, аёвсиз урибтепкилашади. Босқинчилар томонидан онаизор ана шундай хўрланаётган бир пайтда ноқобил фарзанд кўчада онасини азоблаб, ундан пул талаб қилаётган шерикларини кутиб, машина ичида сигарет чекиб ўтирарди.

Лекин тунги босқинчилар бу галги "ов"ларидан қониқишмади. Негаки, улар М.Мухторованинг уйидан бор-йўғи 21000 сўмлик молмулкни ўмаришган эди, холос.

— Майли, — дейди Муродқул кейин учрашганларида. — Камини бошқа хонадон ҳисобидан тўлдирамиз.

— Ундай хонадоннинг қаерда жойлашганини мен биламан, — деди Воси. — Муҳиба Қодирова шу атрофдаги ўзига тўқ бойвучча аёллардан бири саналади.

Унинг таклифи М.Собировга маъқул келди. Ғоратчилар шу кундан бошлаб Муҳибага тегишли бўлган мол-мулкни қўлга киритиш учун "разведка" ишларини йўлга қўйишади. Қулай фурсат келгач, унинг уйига бостириб киришиб, 785000 сўмлик тилла тақинчоқларини ўғирлашади.

Кейинчалик улар Гомиджон Абдурахмонов бош бўлган Иззат Икромов, Муртазоқул Ражабов ва Алишер Муҳаммадиев билан ҳамкорликда жиноий ҳамкорлик олиб бориш мақсадида уларнинг гуруҳига қўшилади. Бу гуруҳга Гомиджон Абдурахмонов бевосита раҳбарлик қила бошлайди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Luqma

ХИЗМАТИНГИЗ ҚОНУНИЙ, ПУЛИНГИЗ ҲАЛОЛМИ?

Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда инсон меҳнати, унинг ташаббускорлиги ва интилиши қадр топди. Меҳнат қиламан, ўзимнинг имкониятларимни юзага чиқараман, деган одамга барча шарт-шароит муҳайё этилди. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Лекин бундай имкониятлардан ҳамма ҳам тўғри фойдаланаяпти, деб бўлмайди. Гап шундаки, баъзи бир қимсалар юртдошларимизнинг бағрикенглигидан, меҳр-шафқатлилигидан фойдаланиб, текин даромад орттиришга ҳаракат қилишмоқда. Гапимиз қуруқ бўлмаслиги учун ўзим гувоҳ бўлган воқеага тўхталиб ўтсам.

Яқинда иккинчи Тошкент Давлат медицина институтининг шифохонасида даволаначётган дўстимни кўргани бордим-у шифохона дарвозасининг икки томонида туриб олган йигитларнинг қилмишини кўриб, очиғи, ҳайрон бўлдим. Улар шифохона ҳудудига кириб-чиқаётган ҳар битта машина ҳайдовчисидан нақ 200 сўмдан пул олаётганди. Эътироз билдирганларга "Акахон, ичкарига кириш пуллик. Ҳақини беришингиз шарт" деб туриб олади. Шифохона ҳовлисига бешолти дақиқа ичида камида ўнта машина кириб-чиқди. Маълумки, ҳар ким шифохонага зарурат туфайли боради. Шундай ҳолатда улардан пул талаб қилиш ўринлимикан? Демоқчимизки, бу уларнинг асабларини баттар таранглаштирмайдими? Бундай дейишимизнинг боиси шундаки, дарвозада турган қоровулларнинг машина эгаларига чек ёки патта берганига кўзим тушмади. Иккинчидан, автоуловлардан олинаётган маблағнинг ҳаммаси ҳам давлат ёки шифохона ғазнасига бориб тушадими?

Қизиғи шундаки, бундай тураржой қоровуллари сиздан соатига фалон пул санаб олгани билан машинангизга ҳеч ким тегмаслиги учун кафолат бермайди. У ҳолда сенга нега пул тўладим десангиз, "Ёқмаса, бу ердан машинангизни олинг" дея зўравонлик ҳам қилишади.

Яқинда танишларимдан бири хорижга сафарга бориб келди. Унинг айтишича, стадион ёки кўплаб одамлар ишлайдиган корхоналар ҳудудига кўпқаватли автотураржой қурилган бўлиб, жойлар одамларга узоқ муддатга ижарага берилар экан. Шу сабабли ортиқча оворагарчилик ва асаббузарликка ўрин йўқ. Энг муҳими, бундан автотураржойларда киши машинасидан умуман хавотир олмайди.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, юртимиздаги автотураржойларнинг ҳам хизмат даражаси сифати ва кафолатини яхшилаш лозим. Ана шунда у одамларнинг оғирини енгил қилади ва бундан ҳамма манфаатдор бўлади. Мутасаддилар ва газетхонлар бу борада қандай фикр билдиришар экан?

Бобомурод РАЙИМОВ,
"Инсон ва қонун"
мухбири

Jahon tajribasi

Руҳий уйғониш ва маънавий юксалишларга бой бўлган антик давр инсоният тарихида беқиёс ўрин тутади. Бу даврда буюк мутафаккирлар етишиб чиқиб, умуминсоний тафаккур ривожига бебаҳо ҳисса қўшган. Ана шундай улуғ зотлардан бири Марк Туллий Цицерондир. У қадимги Римда вояга етиб, фаолият кўрсатган мутафаккирларнинг пешқадам вакилларидан бири бўлган. Мана, икки минг йилдан зиёд вақт ўтибдики, унинг асарлари кишиларга илҳом ва ҳайрат бахш этиб келяпти.

БУЮК ҲИМОЯЧИ ВА НОТИҚ

Цицерон суддаги илк адвокатлик нутқини мелоддан олдинги 81 йилда сўзлаган. 25 ёшли Публий Квинкций исмли бир кишининг иши юзасидан ҳимоячи бўлган. Бу нутқ Цицерон тақдирида муҳим ўрин тутади. Гап шундаки, у ўзини адвокатлик қилишга таклиф этган актёр Росцийнинг оила аъзоларидан бирини ҳам кейинги йили судда ҳимоя қилади. Суддаги воқеалар ривожига кўра, Цицерон давлат амалдори Сулланинг ҳоҳишига зид ҳолда Росцийни ҳимоя қилиб нутқ сўзлайди. Бу унга катта шуҳрат келтириш баробарида бирмунча хавф-хатарга ҳам дучор этади. Шу боис Цицерон Римни тарк этишга мажбур бўлади.

Цицерон Римга қайтиб, Сицилия оролининг квестори этиб сайланади. Квестор сифатида унга Римни Сицилия оролидан мунтазам равишда дон билан таъминлаб туриш вазифаси юкланади. Бу вазифани Цицерон сидқидилдан адо этади ва сицияликлар орасида катта обрў орттиради.

У ўзининг шуҳрати Римгача етиб боришини орзу қилган, аммо пойтахтга қайтиб боргач, бунинг аксини кўрган. Шундан сўнг, унинг ёзишича, Рим шаҳрида халқнинг кўз ўнгида кўпроқ бўлишни маъқул кўрган. Шу тариқа у бутунлай бошқача яшашга киришади. Энди у суд жараёнларида ҳимоячи сифатида тез-тез нутқ сўзлайди. Истаганлар уни турли йиғинлар ўтадиган жой — Форумдан топарди. Унинг нотиқлик санъати борган сари довруқ қозона бошлайди. Шу тарзда у астасекинлик билан сиёсий юксакликка кўтарилади. Тез орада Цицерон Римнинг энг таниқли адвокати даражасига кўтарилади. Унга ҳимоячи сифатида қарайдиган "харидорлар" кўпайиб кетади. Унинг 70-67 йилларда судда кўрилган кўплаб фуқаролик ишларидаги нутқлари ҳозиргача сақланиб қолган.

У бир қудратли Рим давлати ҳарбий қўшининг бош қўмондони Гней Помпейни очиқдан-очиқ ҳимоя қилиб чиқади. Бу воқеа унинг консул бўлиб сайланишида жуда муҳим аҳамият касб этади. Сайловда яна Рим салтанатида таниқли номзодлар — Антоний ва Катилина ҳам қатнашмоқда эди. Айтишларича, уларни ғоятда улкан нуфузга эга бўлган Цезар ва Красслар қўллаб-қувватлаган. Бу ҳол Цицеронни сайловга янада пухтароқ тайёргарлик кўришга ундайди. Натижада у ғалаба қозонади. Бу унинг сиёсий соҳадаги энг катта ютуғи эди. Кичик бир шаҳарда туғилган, унча таниқли бўлмаган оилада тарбия топган одам учун буюк Рим давлати консули лавозимини қўлга киритиш энг катта ғалаба ҳисобланади.

63 йилнинг биринчи январидан Цицерон ана шу янги лавозимда иш бошлайди. Ўша давр одатига кўра, шу куниёқ у Сенат йиғилишини чақиради ва унда дастурий қарашларини ифода этиб нутқ сўзлайди. Аграр масалаларга оид қонун лойиҳасига бағишланган бу нутқ унинг таржимаи ҳолини безаган яна бир улкан муваффақият эди. Гап шундаки, қонун лойиҳасини тайёрлаганлар халқ ҳоҳишига зид равишда давлат ерларини талон-тарож қилишни қонунлаштириб қўймоқчи бўлган. Цицерон эса уларга қарши қатъият билан кураш олиб боради ва халқ иродасини ифода этмайдиган қонун лойиҳасини овозга қўймасданоқ қайтариб олишларига мажбур қилади.

51 йилда Цицерон Сенат қарорига биноан Киликич ҳудудининг ҳукмдори лавозимига тайинланади. Бироқ дўсти Аттикканинг мактубларидан маълум бўлишича, унинг мансабга унча ҳуши бўлмаган, Римга-Форумга, ўз уйига қайтиш истаги устунлик қилган. Киликияда Цицерон раҳбарлик устеъдоди билан анча довруғ таратди. Аммо бу шоҳона ҳаёт уни қониқтирмайди. Шу боис ваколат муддати тугаши биланоқ бу ўлкани тарк этди ва 49 йилдан бошлаб яна Римда яшай бошлайди.

Цицерон фақат нотиқлик ва раҳбарлик истеъдоди билан эмас, балки баракали ижоди билан ҳам шуҳрат қозонган. 55-51 йиллар давомида у учта назарий рисола ёзади. "Нотиқлик ҳақида", "Давлат тўғрисида" ва "Қонунлар ҳақида" деб номланган бу асарларнинг барчаси бизгача етиб келган.

"Нотиқлик ҳақида" рисоласи чиройли нутқ сўзлаш назариясига бағишланган бўлиб, 55 йилда ёзилган. Рисолада Цицерон нотиқлик санъати, нотиққа хос хусусиятлар ва нутққа қўйиладиган асосий талабларни баён қилган. Муаллиф нотиқликни давлат манфаатларига ниҳоятда алоқадор фаолият деб ҳисоблаган. Унинг фикрича, фақат яхши нотиқгина давлат манфаатларини кўнгилдагидек ҳимоя қила олади. Инсондаги хос хусусиятларнинг ижтимоий аҳамиятини бу қадар юқори баҳолаш машҳур нотиқнинг ўзи мансуб бўлган фуқаролик жамияти олдидаги маъсулиятни нақадар чуқур англашига асосланарди. Шу маънода, Цицерон асарлари азалдан адолатли фуқаролик жамияти қуришга интилиб келадиган башарият учун комилликка эришув йўлларини ифода этади.

Цицероннинг "Давлат тўғрисида" рисоласи ҳам сухбат шаклида ёзилган. У олтита китобдан иборат. Биринчи ва иккинчи китоблар давлат қурилиши, учинчи ва тўртинчи китоблар "давлат" тушунчаси моҳиятини фалсафий тушунтириш, бешинчи ва олтинчи китоблар эса энг яхши давлат бошқарувчиси масалаларига бағишланган. Цицероннинг "Қонунлар ҳақида" рисоласи эса "Давлат тўғрисида"ги рисолани тўлдириши лозим бўлган, бироқ у ниҳоясига етмай қолган. Бу ҳақда турли маълумотлар ҳам бор.

"Қонунлар ҳақида" рисоласидаги асосий суҳбатдошлар Цицерон, унинг укаси Квинт ва дўсти Тит Помпоний Аттиклардир. Баъзи маълумотларга кўра, ушбу рисола ҳам олти китобдан иборат бўлган. Бизгача уларнинг учтаси етиб келган. Цицеронннинг фикрича, давлатнинг моҳияти халқнинг хизматида бўлишдан иборат. Давлатнинг пайдо бўлиши ҳам кишиларга хос азалий биргаликда яшаш зарурати натижасидир. Давлат тузилиши шакллари уч хил, яъни монархия, аристократия ва демократия кўринишида бўлиши қайд этилади. Бироқ, тарихда тез-тез давлат шакллари ўзгариб туради. Бундай ўзгаришлар бўлмаслиги учун эса юқоридаги уч хил давлат шакларини ўзида умумлаштирган, нисбатан барқарор тўртинчи хилдаги давлат тизими зарурлиги уқтирилган. Бироқ рисолада унинг шакли тўғрисида аниқ фикр айтилмаган. Фақат у қандай шаклда бўлмасин, аввало фуқароларарo тенгликни таъминлаши лозимлиги баён этилган.

Цицероннинг ҳуқуқ тўғрисидаги фикрлари давлат ҳақидаги қарашларини давом эттиради. Қонун, унинг фикрича, ҳуқуқийлик ва ҳуқуқсизликнинг ўлчовидир. Одамлар худонинг ҳоҳишига кўра тенг қилиб яратилган. Инсонга берилган ақл, тафаккур қонун ёрдамида мустаҳкамланади. Шунинг учун ҳуқуқнинг асоси кишиларнинг фикрлари эмас, табиат билан боғлиқ. Қонунларни инсонлар ўйлаб топган эмас, балки улар кишиларга худо ато этган олий ақл ва адолат натижасидир. Одамлар улар орқали худо билан боғланган, яъни инсонлар қонунларга бўйсунса, худонинг амрини адо этган бўлади. Фақат ана шундагина кишилар ҳуқуқни ҳуқуқсизликдан, ҳаёни уятдан, яхшиликни ёмонликдан ажрата олади, одил ва пок яшашга интилади.

Кўриниб турибдики, Цицерон қарашларидаги кўплаб фикрлар биз яшаётган даврда ҳам долзарб. Бу эса буюк нотиқ ва файласуф асарлари одамзотнинг улуғ мақсадлари ва эзгу ғоялар йўлида хизмат қилиб келганидан дарак беради.

Мухлиса ПАТТАЕВА

СОХТА ВАКОЛАТ

Чирчиқ шаҳридан уй-жой сотиб олган фуқаро И.Турчина ўзининг алдангани орадан икки йил ўтгач билиб қолди. Уй олди-сотди шартномасини "тасдиқлаб" берган идоранинг ваколати сохта бўлиб чиқди...

Янги сотиб олинган турар-жойга ўзи ва икки нафар фарзандини рўйхатга олишни сўраб, Чирчиқ шаҳар ҳокимлигига бир неча марта ариза билан мурожаат этган фуқаро Ирина Турчина бир марта ҳам тайинли жавоб ололмади.

Шундан сўнг у қонуний ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишни сўраб, Адлия вазирлигига мурожаат этади.

Ирина Алексеевна ўз шикоят хатида, жумладан, шундай ёзади: "2002 йилнинг август ойида оила аъзоларим билан Сурхондарё вилояти, Сариосиё тумани, Шарғун шаҳридан доимий яшаш учун Чирчиқ шаҳрига кўчиб келдик. Мен Чирчиқ шаҳри, Қирғизистон кўчасидаги 3-уйни сотиб олдим. Кейинчалик маълум бўлишича, мазкур уй ўзбошимчалик билан қурилган экан. Шундай бўлса-да, шаҳар техник рўйхатга олиш кадастр бюроси бошлиғи С.Ғуломов бошчилигидаги комиссия **"Шахсий уй-жой хўжалигининг техник паспорти"**ни расмийлаштириб берди. Бунинг учун мен уларга 25.000 сўм пул тўладим. Мазкур уйнинг олди-сотди шартномасини тасдиқлаб, расмийлаштириб бергани учун 25-маҳалла қўмитаси раиси С.Ҳайитбоевга 15.000 сўм пул бердим.

Ўз навбатида С.Ҳайитбоев уй-жойга тегишли бошқа ҳужжатларни ҳам расмийлаштириб беришни, ҳатто барча оила аъзоларини рўйхатга қўйиб беришини айтиб, ҳар бир жон бошига 15 минг сўмдан, жами 45 минг сўм олди. Шунингдек, у менга илгари яшаган жойимиздан, яъни Шарғун шаҳридан рўйхатдан чиқиб келишимизни тайинлади. 2002 йилнинг сентябр ойида Сурхондарёдан паспортларимизни рўйхатдан чиқариб келдик.

Шундан буён янги турар-жойида рўйхатдан ўтишнинг сира иложи бўлмаяпти. Бу борада менга қонун доирасида ёрдам беришингизни сўрайман".

Мазкур шикоят хати юзасидан ўтказилган текширишда аниқланишича, икки йилдан буён И. Турчина яшаб келаётган уй-жой унинг аввалги эгалари томонидан ўзбошимчалик билан қуриб олинган. Асосий қурилмалар майдони 45,4 м², ҳовли майдони 49,6 м², умумий ер участкаси майдони 95 м² ташкил этади.

Ҳақиқатдан ҳам, бу уйни И.Турчина 2002 йил 7 октябр куни фуқаро З.Богдановадан 200 минг сўмга сотиб олган. Улар ўртасидаги олди-сотди шартномаси Чирчиқ шаҳар 25-маҳалла қўмитаси раиси С.Ҳайитбоев томонидан ноқонуний расмийлаштирилган.

Шунингдек, бу уйга Чирчиқ шаҳар техник инвентаризация бюроси раҳбари С.Ғуломов, ходимлар Д.Азимов, назоратчиси Х.Салайдинов томонидан имзоланган ва юмалоқ мухр билан тасдиқланган **"Шахсий уй-жой хўжалигининг техник паспорти"** берилган. Унда уй-жой эгаси сифатида Ваол Мамутович Асанов, уй-жойдан фойдаланувчи сифатида И.Турчина кўрсатилган.

Кези келганда шуни айтиш жоизки, маҳалла қўмитаси раисининг бундай ноқонуний хатти-ҳаракатини кўриб, киши беихтиёр шаҳар бедарвозами, деган фикрга боради.

Бундан ташқари, Тошкент вилояти техник рўйхатга олиш кадастр бюросининг етарли асосларисиз "Шахсий уй-жой хўжалигининг техник паспорти"ни бериб юборганини ҳам киши қандай изоҳлашни билмайди.

Энг ёмони, бу техник паспортнинг биринчи саҳифасида аниқ ва лўнда қилиб ёзиб қўйилган фуқароларга эслатманинг бирорта бандига мутасаддиларнинг ўзлари ҳам амал қилмаган.

Фикримизни исботи учун 5 та банддан иборат бўлган ана шу эслатмаларни фақат иккитасини асли ҳолича диққатингизга ҳавола этамиз:

2. Ўзаро келишув йўли билан ҳовли-жой биноларини сотиб олманг, чунки ўзаро келишиш актлари, тилхатлари ҳеч қандай юридик кучга эга эмас.

3. Уй сотиш ва олиш, совға, мерос ҳужжатлари нотариал идоралари орқали расмийлаштирилмоғи ва техник рўйхатга олиш кадастр бюроси (БТИ) рўйхатидан ўтказилиши шарт.

Шу ўринда шундай ҳақли савол туғилади: қонун талабини яхши билган мутасаддилар нега ўзлари унга амал қилмаган?!.

Шунингдек, аризани ўрганиш жараёнида Чирчиқ шаҳридаги Қирғизистон кўчаси ва унинг атрофидаги ҳудудларда рўйхатдан ўтмай яшаётган бошқа айрим фуқароларнинг ҳам уйлари ўзбошимчалик билан қурилгани туфайли ана шундай муаммога дуч келаётгани аниқланди.

Қизиқ, Чирчиқ шаҳар архитектура ва қурилиш бўлими томонидан ўз вақтида мазкур ҳудудда ўзбошимчалик билан қурилиш қилаётган фуқароларни хатти-ҳаракатига нега чек қўйилмади? Шаҳар ҳокимлиги ва бошқа мутасадди ташкилотлар бу воқеаларга нега томошабин бўлиб туравергани? Ёки бундан уларнинг хабари йўқ эдими?!

Албатта, Тошкент вилояти адлия бошқармасининг Чирчиқ шаҳар ҳокими ва Чирчиқ шаҳар ИИБ бошлиғи номига бажарилиши мажбурий бўлган тақдимнома киритиши натижасида бу муаммолар ҳал этилди.

Энг асосийси, 25-сон маҳалла қўмитаси раиси С. Ҳайитбоев эгаллаб турган лавозимидан озод этилди. Шунингдек, қонунбузарликка йўл қўйган барча шахсларга нисбатан жиноий иш қўзғатиш масаласини кўриб чиқиш тўғрисида адлия бошқармаси томонидан вилоят прокуратурасига таклиф киритилди.

И.Турчина ва унинг оила аъзолари вақтинчалик рўйхатга олинадиган бўлдилар. Шунингдек, уларнинг уй-жойлари қонунда белгиланган тартибда расмийлаштирилгач, доимий рўйхатдан ўтиш масаласи ҳам ҳал қилинади.

Ҳолбуки, И.Турчина ва унинг икки нафар фарзанди яшаш жойини ўзгартиришда ҳеч қандай қонун ва паспорт тизимига оид меъёрий ҳужжат талабларини бузмаган.

Бу воқеани баён этишдан мақсад шуки, инсоннинг дахлсиз саналган ҳуқуқлари ваколатли идоралар томонидан бузилиши қандай оқибатларга олиб келишини айтишдир. Ҳолбуки, И.Турчинанинг муаммоси ўз вақтида ҳал этилганда, яра бунчалик газак олиб кетмасди. Энг ёмони, мутасаддиларнинг бу масалага эътиборсиз қарагани, ҳатто мансаб ваколатини суиистеъмол қилганидир.

Нодира ҲАКИМОВА,
ҳуқуқшунос
Рустам ХУДОЙҚУЛ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Qonun ko`magi

Taqdir tarixi

ХАВФЛИ ИХТИРО

Ақлли ва даҳо инсонлар томонидан яратилган кўпдан-кўп ихтиролар инсон манфаати ва бахтли-саодатли яшаши учун хизмат қилмоқда. Лекин айрим ихтиролар туфайли инсон бошига кўплаб кулфатлар ёғилган. Қирғинбарот урушларда қўлланилувчи портловчи моддалар — бомба, снаряд ва граната ана шундай хавфли кашфиётлар сирасидандир. Уларнинг ихтирочиси ким экани кўпчиликни қизиқтириши шубҳасиз. Қолаверса, у космосга илк бора йўл очган инсон сифатида ҳам тарихда ном қолдирди. Ушбу ихтирочининг номи 1881 йилнинг 1 март куни Россия императори Александр IIга уюштирилган суиқасдда маълум бўлди. Подшонинг умрига зомин бўлганлардан бири Николай Кибальчич ихтиро муаллифига айланди. Хўш, Николай Кибалчич ким бўлган ва у ўз ихтиросини қай тарзда кашф этган?

ТУМАНЛИ ЁШЛИКНИНГ ТОНГЛАРИ

Николай Кибальчич кичкина мўъжазгина шаҳарчада дунёга келди. Бу шаҳарча Короп деб аталар ва у Малороссида жойлашган эди. Кибальчичлар мансуб бўлган руҳонийлар гуруҳи Черниговшиндаги православлар динининг таянчи эди. Шунинг учун Николайнинг отаси Иван Иосифович ўғлини диний мактабга берди. Ота ўғлининг оилавий анъанани изчил давом эттиришига шубҳа қилмасди. Афсуски, отанинг орзуси амалга ошмади. Коля мушакбозликни кўриб, портлатгич техникаларига қизиқиб қолади. У болалик чоғиданоқ мустақил, ҳеч кимнинг ёрдамисиз ракета ясашга муваффақ бўлди.

У ўн икки ёшидаёқ отаси танлаган йўлдан бормасликка қатъий қарор қилди. Ота-онасининг қаттиқ қаршилигига қарамай, гимназияга ўқишга кирди. Унинг математикага бўлган қобилияти шунчалар кучли эдики, ҳатто ўқитувчилари ҳам бунга ҳайрон қолишар эди. У тез орада ўқувчилар ўртасида олтин медалга ягона номзод эканини исботлади.

17 ёшида Петербургдаги инженерлар тайёрлаш институтининг талабаси бўлди. Аммо Николай бу институтда ўқишни узоқ давом эттира олмади. Чунки у бу орада тиббиёт сирларини ўрганишга қизиқиб қолди ва шу мақсадда тиббиёт—жарроҳлик академиясига ўқишга киради. Бироқ у академияда ҳам ўқишни тугата олмади. Онг шуурини бошқа ғоялар қамраб олган йигитча подшо ҳокимиятига қарши курашишга аҳд қилди.

МАХФИЙ ОДАМ

"Партия" лақабли техник Кибальчич бутун борлиғи билан ғалаёнчилар ҳаракатига қўшилиб кетди. У яширин уйларда тажриба олиб бораётганида портлаб кетиш ҳамда қамоққа тушиш хавфи остида яшаса-да, муттасил ихтирочилик билан шуғулланди. Ҳайратланарлиси шундаки, чой қуйишни ҳам эплай олмайдиган бу уқувсиз йигит тажрибахонадаги амалий ишларда ақлли ва тартибли олим қиёфасига киради.

Унинг хаёлини туну-кун фақат бир савол эгаллаб олган эди: динамитни нима билан алмаштириш мумкин? Қишки саройдаги муваффақиятсиз портлашдан сўнг у бошқа янги мукаммал портловчи модда ўйлаб топиши кераклигини тушуниб етди. Тез орада у улоқтириладиган портловчи модда, яъни бомбани кашф этди.

1881 йилнинг 1 март куни ғалаёнчилар ихтирони амалда синаб кўришди.

СЎНГГИ ИЛТИМОС

Суиқасд қатнашчилари зуллик билан қамоққа олинди. Уларнинг орасида Николай ҳам бор эди. Суд жараёнида ҳарбий экспертлар ва судьяларнинг ҳам ғазабини қўзғаган, ҳам ҳайратга солган нарса — у ихтиро қилган снарядлар эди. Чунки Кибальчичнинг ихтиро этган гранаталари ҳатто рус армиясида ҳам йўқ эди. Улар бу гранаталар оддий уй шароитида ясалганига ҳеч ишонишмас эди. Кибальчини бир кишилик ҳибсхонада сақлашди. Суддан бир неча кун олдин унинг олдига келган адвокат бир нарсага жуда ажабланди: махбус стол қаршисида ўтирар, унинг олдидаги қоғозлар ҳар хил формула ва чизмалар билан тўлган эди.

— Сиз ҳукуматга бирор-бир илтимос билан мурожаат этасизми? — дея қизиқиб сўради адвокат.

— Йўқ, асло. Мен ҳавода учадиган қурилма лойиҳасини чизяпман. Бу менинг болаликдаги орзуим эди. Аввалари бунга вақтим бўлмаган. Ҳозир эса менга ҳеч нарса халақит бермайди...

Ҳақиқатдан ҳам, у тунлари ухламай космик кеманинг лойиҳасини ишлар эди. Чунки у умрининг бир неча кунлари қолганини яхши биларди. У ҳисобкитобларни тугатишга улгуриб, адвокатдан ягона илтимос сифатида ўз лойиҳасини мутахассисларга кўрсатишни сўради ва шундай деди: "Мен энди ўлимни хотиржам қаршилайман, чунки менинг ихтироларим ўлмайди. Мен бунинг учун ўз ҳаётимни курбон қилишга ҳам тайёрман".

1881 йил 3 апрел куни Николай Кибалчични ўртоқлари билан бирга қатл этилди. Унинг лойиҳаси эса жандарм архивларида қолиб кетди ва 1918 йилдагина кўпчиликка маълум этилди.

Бу дунёда ҳеч ким пешонасидаги тақдири азал ёзувини олдиндан билишга қодир эмас. Ким ўзидан кейин қандай ном қолдириши эса унинг номи билан аталувчи кашфиётлару ихтироларига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ...

Хориж матбуоти материаллари асосида Ҳидоят ЖЎРАЕВА тайёрлади.

Charxi kajraftor

ЁМОННИНГ НОМИ...

Германиялик Дитер исмли фирибгар изидан полиция тушганлигини сезиб қолгач, янги паспорт олиб бошқа шаҳарга кўчиб кетмоқчи бўлди. Бунинг учун у ҳатто катта миқдорда харажат ҳам қилди. Бироқ барибир уни пароходга чиқиш пайтида қўлга олишди.

Буни қарангки, Дитернинг янги паспортига ҳуқуқ-тартибот идораси вакиллари ўзлари билмаган ҳолда мамлакатда "машҳур" бўлган қотилнинг исм-шарифини ёзиб қўйишган экан. Дитер қўлга тушгач, бўлган воқеанинг ҳаммасини судда айтиб берди. Аммо барибир майда ўғирликлари, ёлғончи ва муттаҳамлиги учун жазодан четда қолмади.

ШОШИЛГАН ЎҒРИ

АҚШнинг Арханзас штатида полиция маҳкамасига кимдир телефон қилиб шу яқин ўртадаги дўконлардан бирига ўғри тушганини хабар қилди. Полициячилар дарҳол воқеа жойига етиб келишди ва ўғриларни қўлга олди. Улар ишни топшириб уйларига равона бўлишгач, хизмат машинасидан бошқа полициячилар фойдалана бошлашди ва йўлда кетаётиб юкхонасида кимнингдир қичқирганини эшитишди. Четга тўхтаб юкхонани очишганида у ерда қандайдир кимсанинг ётганлигини кўришди. Сўроқ пайтида бу киши юқорида айтилган дўконда содир этилган ўғирликнинг ташкилотчиси бўлиб чиқди. Бечора ўғри шошганидан полиция машинасининг юкхонасига кириб олган экан...

БАРАКАЛЛА, БОШ БАРМОҚ!

Германиянинг Дюссольдорф шаҳрида бир фуқаро уйида маза қилиб телевизор кўриб ўтирган пайтида эшик қўнғироғи жиринглади. Эшигини очгач, кўрдики, иккита кимса остонада турибди. Бирисининг бош бармоғи иккинчисини оғзига тиқилган ва тишлаган жаг суяклари очилмай қолган. Улар шу ҳолатда уй эгасидан шифокорга ёки полицияга телефон қилишини сўрашди. Уй эгаси энди телефон дастагини қўлига олган ҳам эдики, ҳалиги муттаҳамлар унга ташланиб роса дўппослашди. Бечора уй эгаси бир амаллаб муттаҳамлардан бирининг бош бармоғини тишлаб олди ва қўни-қўшнилар етиб келгунича қўйиб юбормади. Сўнгра иккала жиноятчи полицияга топширилди. Шунга айтадиларда, қилмиш-қидирмиш деб.

«МЕДАЛЛИ» ДАРАХТЛАР

Ҳаётда инсон ва табиатга нисбатан кўрсатиладиган ғамхўрлик ва муҳаббатнинг тури кўп. Масалан, Канадада вақти-вақти билан энг кўҳна, ёши улуғ дарахтлар конкурси ўтказиб турилади. Узоқ умр кўрган дарахт медал билан мукофотланади. Медал дарахтнинг ўзига тақиб қўйилади. Демак, бу давлатда табиатга чексиз меҳр қўйиш ҳам инсонга хос фазилат ҳисобланади. Алқисса, инсон меҳридан баҳраманд бўлган чинор дарахти икки минг йилгача яшаши мумкин экан.

ИЧКИЛИК ҚУРБОНЛАРИ

Россия Федерацияси давлат статистика қўмитаси тарқатган маълумотларга кўра қўлбола арақдан заҳарланиш туфайли йилига ўттиз етти минг фуқаро оламдан ўтмоқда. Бу ҳолат баъзида ҳар уч нафар, гоҳида ҳар беш нафар тинимсиз ичувчининг биттаси муқаррар ўлим топишини исботламоқда. Шу баҳона яқин орада қонунга ўзгартириш киритилиши ҳам мумкин экан.

Умид РАҲМАТОВ тайёрлади.



Куз манзаралари

Qilmish-qidirmish

ТЕКИНТОМОҚЛИК

уюшган жиноий тўдани панжара ортига етаклади

СУД ОЧЕРКИ

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Бу шахс 1998 йил жиноий ишлар бўйича Оқдарё тумани суди томонидан 11 йилга озодликдан маҳрум этилган бўлиб, 2001 йилнинг ноябр ойида унга нисбатан Президентимизнинг **"Амнистия тўғрисида"**ги Фармони қўлланилиб, жазони ижро этиш жойидан муддатидан илгари озод қилинган эди.

Ёмон отга минг қамчи кор қилмаслиги ҳаётдан маълум. Жиноят кўчасига кириб, унча-мунча нарсалардан чўчимайдиган бўлиб қолган Гомиджон Абдураҳмонов озодликка чиққач, ўз жиноий ҳаракатларини давом эттириб, инсонлар ҳаётига хавф туғдирадиган гиёҳвандлик моддалари савдоси билан шуғулланишга одатланганди.

Шунинг учун уйидан бангихона очиб, Рустам ва Темур исмли кўкнорихаёл йигитларни атрофига йиғиб олиб, уларга гиёҳвандлик моддаларни сотиб, ҳатто чекиш учун уйида ҳам шароит яратиб беради. Кейинчалик Самарқанд туман ИИБнинг тезкор ходимлари томонидан текширув, тинтув ўтказилганида қоғоз бўлакларига ўраб сотиш учун тайёрлаб қўйилган 9 грамм миқдоридаги "марихуана" гиёҳвандлик моддаси топилиб, ашёвий далил сифатида ҳужжатлаштирилади.

Жиноятнинг қабиҳ йўли Гомиджонга яхши таниш эди. Шундай бўлса-да, бу гал қўлга тушадиган анойи йўқ, деб ўйладими, у ўзи қолиб юқорида номлари тилга олинган 8 нафар кишини ҳам шерик сифатида босқинчиликка ундади. Жиноий гуруҳ аъзоларининг ҳар бирига босқинчилик пайтида бажарадиган вазифаларини белгилаб бериб, ижтимоий хавфли ҳаракатларни содир этишга ундайди.

Улар навбатдаги хонадонга "ташриф буюриб", ўз қабиҳ ниятларини амалга оширганида, ҳатто ҳовлидаги зийрак ит ҳам уларга қаршилик кўрсатолмади. Хонадон соҳиби, соҳибаси, уларнинг фарзандлари қўл-оёқлари боғланган, пул ҳамда тилла буюмлар, давлатга тегишли автомашина ўмарилиб, босқинчилар тун қаърига сингиб кетган бу пайтда вафодор ит беҳол, ҳушсиз ҳолда девор тагида чўзилиб ётарди... Ўзгалар бойлигини босқинчилик йўли билан ўзлаштиришга одатланган уюшган жиноятчилар бу гал ҳам, ўз таъбирларича, ҳаммасини хамирдан қил суғургандек бажаришганди. Энг асосийси, улар бир хонадондан 35 миллион 38 минг 120 сўмлик мол-мулкни ўмаришган эди.

Кунларнинг бирида навбатдаги ов учун манзил қидириб юрган гуруҳ аъзолари Хўжа Аҳрор қишлоғида яшовчи Ш.Д.нинг ўзига тўқ яшаши, анчагина жамғармаси борлиги ҳақидаги хабарни эшитиб қолишади-ю, гўё йўқотган тўрвасини топган гадойдек хурсанд бўлиб кетишади. Улар босқинчиликни амалга оширишдан олдин ҳовли атрофини айланиб, уй ичига қандай кириш ва у ердаги бойликни қандай ўмаришни режалаштиришади. Хонадон соҳибларининг неча кишидан иборатлиги, уларнинг юриш-туриши, қай пайтларда уйқуга ётиб, қачон уйғониб, ишга чиқиб кетишини, хуллас, барча-барчасини миридан-сиригача ўрганган жиноий гуруҳ гуруҳ бошлиғи Гомиджон Абдураҳмоновнинг уйида йиғилишиб, мўлжалдаги хонадонни тунаш режасини амалга оширишга киришади. Улар бу галги босқинчилик учун қулай фурсат деб тунги соат 2.30 ни танлашади.

Гомиджон Абдураҳмонов, Алишер Муҳаммадиев, Қамариддин Болтаев, Иззат Икромов, Равшан Ғофуров, Шарофиддин Камолов, Муртазоқул Ражабов ва Муродқул Собиров ухлатувчи дори, пичоқ ва таёқлар билан қуролланиб Воси Худойбердиев бошқарувидаги "РАФ" автомашинасига темир нарвонни юклашиб, белгиланган вақтда Хўжа Аҳрор қишлоғига йўл олишади. Белгиланган манзилга етиб келгач, В.Худойбердиев уларни қолдириб, "РАФ"ни уйига қўйиб келади. Тунги босқинчилар атрофни яна бир бор кўздан кечиришади. Гуруҳ аъзоси Муродқул Собиров ўзи билан олиб келган ухлатувчи дориларни гўшт бўлаклари орасига жойлаштириб аста-секин итга улоқтиради. Итнинг тез орада тинчиб, чўзилиб қолганини кўрган Иззат Икромов темир нарвон орқали ҳовлига тушиб, тезлик билан дарвозани ички томонидан очиб юборгач, Гомиджон бошчилигидаги уюшган гуруҳ аъзолари ичкарига бостириб киришиб, хонадон соҳиби ва аъзолари қўл-оёқларини боғлаб уларни қийнашга ўтишади.

— То пул, доллар ва қимматбаҳо тақинчоқларингни топиб бермагунларингча азоблайверамиз, — дея шарт қўяди улар.

Улар томонидан етказилган қийноқлар азобига чидолмаган хонадон эгаси пешона тери тўкиб топиб йиққан мол-мулкни қаерда сақланаётганини айтиб беришдан бошқа иложи қолмайди. Талончи босқинчилар хонама-хона изғиб 6050 АҚШ доллари, 1.255.000 сўм пул, бир жуфт феруза ва бриллиантли, 115200 сўмлик тилла сирға, бир дона бриллиант кўзли 250.000 сўмлик аёллар узуги, 130.000 сўмлик уяли телефон ва шу сингари 19 миллион 811 минг 554 сўмлик мол-мулкни талон-тарож қилишиб, "Нексия" автомашинасини ҳам ўзлари билан олиб кетишади. Бундай очиқ-ошкора таҳдид солиб, бегуноҳ одамларнинг мол-мулкини талон-тарож қилиш бориб турган қабиҳлик эмасми? Ҳар қандай қабиҳлик, зўравонликнинг чек-чегараси бор. Жиноий гуруҳ аъзоларининг ҳам қабиҳликлари узоқ чўзилмайди. Улар тўпланган ҳужжатлар, суд экспертизалари, жабрланувчилар ва гувоҳларнинг кўргазмалари ва инкор этиб бўлмас бошқа исботли далиллар олдида бош эгиб, қилмишларига иқрор бўлишдан ўзга чора тополмадилар. Самарқанд тумани жиноят ишлари бўйича суди уларга нисбатан жазо тайинлашда ҳар бирининг жиноятнинг содир этилишида тутган ўрнини, илгари ҳам судланган ёки судланмаганлиги, оилавий аҳволи ва бошқа томонларини ҳисобга олиб, ҳукм чиқарди. Гуруҳ бошлиғи Гомиджон Абдураҳмонов 19 йил озодликдан маҳрум этилиб, жазо қаттиқ тартибли колонияларда ўтиши белгиланди. Уюшган гуруҳнинг қолган аъзолари ҳам қилмишларига яраша жазоланиб, улардан жабрланувчиларга етказилган зарар солидар тартибида ундириладиган бўлди. Шу бўйича Мирзоқул Ражабов уйидан олинган ашёвий далил 900 АҚШ доллари, 176 минг сўм пул, Воси Худойбердиев номида бўлган ВАЗ-2101 русумли автомашина жабрланувчиларга етказилган зарар сифатида ундирилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, суднинг бу ҳукми ишламайтишлашни, меҳнат қилмай таралла бедод яшашни хаёл қилувчи ҳар бир киши учун сабоқ бўлиши керак. Зеро, жиноят содир этган киши ким бўлишидан қатъи назар, албатта, қилмишига яраша жазога тортилади.

Рўзимурод ТУРСУНОВ,
журналист

Jinoyatga jazo muqarrar

ҚИММАТНИНГ ҚИЛМИШИ

Баҳор кунларининг бирида Қимматхон Санобар исмли аёлдан кўп миқдордаги "героин" гиёҳвандлик воситасини сотиб олади. Сўнг бу гиёҳвандлик воситасини ўзи вақтинчалик яшаб турган Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Чилонзор-5 даҳаси, 10-уйда маълум ўлчамдаги полиэтилен қопчаларига солиб қадоқлайди. Кейин эса гиёҳванд модда истеъмол қилмасдан туролмайдиган "ёғлироқ" мижоз излашга тушади. Ана шундай кунларнинг бирида кўр кўрни қоронғида топгани сингари Бергер исмли шахс билан танишиб қолади ва шу дақиқадан уни доимий равишда гиёҳванд модда билан таъминлаб, мўмай даромад тўплашга киришади.

Бироқ Қимматхоннинг нафси ҳақалак отиб кетади. Яъни у битта мижоз билан қаноатланмайди. У ўзининг қинғир ишини давом эттириб, гиёҳвандлик моддасини янада кўп миқдорда сотиб олиш мақсадида Санобар исмли аёлдан тахминан 38 грамм заҳри қотилни 250.000 сўмга баҳолаб, 100.000 сўмини ўша заҳотиёқ, қолганини эса кейинчалик бериш шарти билан сотиб олади. Қ.Салимова ушбу сотиб олинган героин гиёҳвандлик воситасини бир қисмини кейинчалик сотиш мақсадида усталик билан маълум ўлчамда бўлакларга ажратиб, полиэтилен қопчаларига қадоқлаб қўяди.

Кўза кунда эмас, кунида синади, деганлари рост. Қимматнинг ҳам қилмиши фош бўлди. У Қўйлиқ бозори ёнида кетаётганида шубҳа остига олиниб, милиция ходимлари томонидан текширув ўтказилганда чўнтакларидан кўп миқдордаги оғу топилди.

Бир сўз билан айтганда, Қимматнинг қилмиши эртақдаги ада-шининг кирдикорларидан ҳам ўтиб тушди.

Албатта, Қимматнинг бу қилмиши кишини ўйга солади. Ахир, ҳаётда аёлнинг ўз ўрни бор. Миннат эмас, биз аёлларни оиламиз кўрки, ҳаётнинг бардавомчиси ва латофати учун эъзозлаймиз. Бироқ аёл жиноятга қўл урар экан, аввало ана шу фазилатларга хиёнат қилган бўлади.

Бундан ташқари, ҳаётда ҳалол пул топишнинг минг битта йўли бор. Кимки ана шу тўғри йўлдан четга чиқса, қинғирлик йўлини танласа, охири яхшилик билан тугамайди.

Зокиржон КАНЧИЛБОЕВ

Адлия вазирлиги жамоаси Тошкент вилояти адвокатлар ҳайъати раёсатининг раиси
Файзулла АШУРОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқин қариндошларига чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон адвокатлар Ассоциацияси Бошқарув аъзолари Тошкент вилояти адвокатлар ҳайъати раёсатининг раиси
Файзулла АШУРОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқин қариндошларига ҳамдардлик билдиради.

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади
2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган
Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Бўритош МУСТАФОЕВ, Пўлат САМАТОВ, Хуршид СОДИҚОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Ғафур АБДУМАЖИДОВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Ислом ҲАМРО, Ҳолли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.
Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ
Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ
Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-117. Тиражи — 7.000. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30
МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50
1 2 3 4 5